

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ


الاسلام

ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛ

Ҳижрий 1438 йил, зулқаъда, зулҳижжа.

Мелодий 2017 йил август, сентябрь.

6 (52)-СОҲ



Abbos

ИККИ ОЙДА БИР ЧИҚАДИГАН ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛ

6 (52)-СОН.

Ҳижрий 1438 йил, зулқаъда, зулҳижжа.

Мелодий 2017 йил август, сентябрь.

Журналга ҳижрий 1433 йили
шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
раҳимахуллоҳ томонидан асос солинган

Муассис:

«Ҳилол нашриёти» МЧЖ (Москва)

Бош муҳаррир:

Аҳмад Муҳаммад

Саҳифаловчи:

Ҳабибуллоҳ Болтаев

Таҳрир ҳайъати:

Исмоил Муҳаммад Содиқ (раис)

Тоҳир Малик

Эркин Малик

Абдулҳамид Турсун

Абдуманнон Тўйчиев

Муҳаммад Айюб Усмон


Нодирбек Хидиров

Озод Мунаввар

Анвар Аҳмад

Электрон почта

abu_abbos@mail.ru



Шиоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа асосида пок ақида ва мусаффо Исломига интилиш,
Қуръон ва Суннатни ўрганиб, амал қилиш, исломий маърифат таратиш,
салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик
руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка
барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ваъда қарздир

Ўтган йили хорижда яшаётган ватандошларимиздан бири ўз ота юртида қўшма корхона очиш ниятида юрганини айтиб, Намангандаги корхоналардан бирининг раҳбари билан учраштиришни сўради. Раҳбарга кўнғироқ қилиб, учрашув куни ва соатини келишиб олдик. Эртасига белгиланган пайтда меҳмон билан унинг қабулхонасига кириб бордик. Котиба қизга кимлигимизни айтиб, бошлиқни суриштирдик.

- Бошлиқ йўқлар, – деди котиба.
- Нега йўқ бўларканлар, ахир бугунга ва шу соатга келишганмиз-ку?
- Йиғилишга кетдилар.
- Қачон қайтишлари мумкин?
- Айтолмайман...

Мен айрим раҳбарларнинг бунақа «муомалалари»ни кўравериб, кўзим пишиб кетгани учун анча хотиржам эдим. Аммо ҳамроҳим ўзини қўйгани жой тополмас, тинмай қабулхонанинг у бошидан бу бошига юрар эди. «Ахир, бу қанақаси, ваъдалашса-ю, кейин қаёққадир жўнаворса!» деб тинмай жаврарди. Котибанинг гапига ишонмай, раҳбарнинг эшигини тортиб ҳам кўрди.

Унинг куйиб-пишишида жон бор эди.

Биринчидан, савдо-тижорат оламида шерикнинг бир-бирига берган ваъдаси имзо ва муҳрлар билан безатилган шартнома ва битимлардан ҳам ишончлироқ ҳисобланади, улар ўша ваъданинг қоғоздаги кўриниши, холос. Иккинчидан, меҳмоннинг вақти ғоят зиқ эди: раҳбар билан учрашувдан сўнг бир соат



ичида меҳмонхонага кириб, юкларини олиши, сўнг пойтахтга –вазирликдаги халқаро анжуманга етиб бориши керак эди. Хуллас, у ортиқча кута олмай жўнаворди ва қўшма корхона ҳақидаги режа режалигича қолиб кетди.

Ёки мана бу воқеани олинг: дўстим Салоҳиддин ўқитувчиликни ташлаб, ўзини тижоратга урганлардан. Уқуви бор эканми ёки омади чопиб қолдими, ҳар қалай, янги иши анча юришиб кетди. Кўп ўтмай, анча-мунча дастмоя орттирди, эскироқ бўлса ҳам, енгил машина сотиб олди, рўзғорига қут-барака кириб қолди. Унинг иши юришиб кетганини кўриб, яна бир дўстимиз Иброҳим ҳам гулдай хунарини ташлаб, «осонроқ» ишни – савдогарчилик қилишни хоҳлаб қолди. Лекин бунга дастмоя йўқ. Ҳозир унча-мунча одам бировга қарз бермайди. У Салоҳиддиндан пул сўраб борди. Аввалига Салоҳиддин кўнмади: «Пулни сенга берсам, ўзим ипподромдан молни нимага оламан?» Лекин Иброҳимнинг «оҳи» Худога етдими, Салоҳиддин бир ой санаторийда даволанадиган бўлиб қолди. Иброҳимни чақириб, гувоҳлар иштирокида бор дастмоясини унга бир ой муҳлатга бериб турадиган, у эса пулни «айлантириб», ўзини бир оз тиклаб оладиган

бўлди. Шунга қўлни ташлашиб ваъдалашишди. Аммо, мана салкам бир йил бўляптики, ўша пулдан дарак йўқ. Салоҳиддин бечора деяри икки-уч кунда дўстиникига пулни қистаб боради, у эса «билмасдан ўтмас мол олиб қўйганини» рўкач қилиб, қарз узишни пайсалга солаверади. «Эртага, индинга» деган ваъдаларнинг охири кўринмайди. Бор-будидан ажраган Салоҳиддин ишини давом эттиролмай хуноб. Кескинроқ ҳаракат қилай деса, ўттиз йиллик дўсти, кутай деса, топганини еб, тугатиб бўлди...

Ҳа, кейинги пайтларда ана шундай ваъдабозлик, сўзда турмаслик, субутсизлик тобора урчиб кетяпти. Қоп-қоп ваъдалар бериляпти, аммо ҳеч ким уларни бажариш ҳақида бош ҳам қотирмаяпти. Туппа-тузук, эсли-хушли бир киши билан «фалон соатда кўришамиз», деб шартлашасиз. Аммо белгиланган вақтдан кейин ҳам камида бир-икки соат кутасиз, ундан эса дарак йўқ. Кечикиб келиб узр ҳам сўрамайди, гўёки шундай бўлиши керакдай, мақсадга ўтиб кетаверади. Ёки яна биттаси: «Ишингни фалон куни битказиб бераман» дейди-ю, шу заҳоти эсидан чиқаради. Сиз эса кутаверасиз, югураверасиз. Бошқаси боласига ниманидир ваъда қилади-ю, олиб бермайди, бу «тарбия» оқибатида яна бир субутсиз инсон пайдо бўлади.

Бизларга ўзи нима бўляпти? Ваъдага вафо, сўзда туриш каби фазилатларимиз нега тобора анқога шафеъ бўлиб кетяпти? Нега ҳеч ким ваъдани бажармаганидан, айтилган вақтидан кечикканидан хижолат ҳам бўлмапти? Ахир, халқимизда «Ваъдага вафо – марднинг иши» деган гап бор-ку! Унда биздаги мардлар қаёққа кетишди?

Ана шу саволларга жавоб топа олмай, қийналаман. Тўғри, инсончилик дегандай, айрим сабабларга кўра гоҳида ваъданинг устидан чиқолмай қоласан одам. Лекин шунда ваъда берган кишига олдиндан хабар қилиб, узр айтиб қўйилса бўлади-ку!

Ваъдага вафо қилмаслик халқимиз

орасида ҳамиша энг ёмон иллатлардан саналган. Ваъдабоз, субутсиз кишиларни рисоладаги, яхши, фазилатли киши деб ҳисоблашмаган. Айниқса, Ислом ахлоқи руҳида тарбия топган ота-боболаримиз субутсизликдан, ваъдабозликдан ниҳоятда жирканишган.

Ваъдабозлик бевосита ёлғончиликка ҳам сабаб бўлади. Исломда ёлғончилик гуноҳи кабира (улкан гуноҳ) ҳисобланади. Аҳдига вафо қилиш эса, имоннинг кўзга кўринган белгиларидан бўлиб, бу нарса Қуръони Каримда қайта-қайта такрорланган.

Исломий ахлоққа кўра, ваъдага вафо қилиш якка шахслар ва жамоалар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг асосидир. Агар у йўқолса, одамлар бири-бирига ишонмайдиган бўлиб қолади, ҳамкорликдан путур кетади, ёлғончилик, алдов кучаяди, жамият инқирозга рўбарў бўлади.

Олий хулқ соҳиби Пайғамбар алайҳиссалом барча юксак фазилатлар қатори ваъдасида турадиган, сўзига амал қиладиган комил инсон бўлганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мунофиқнинг учта белгиси бор – ёлғон гапиради, ваъдага вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади», деганлар. Яна бир ҳадисда: «Бир мусулмон биродаринг билан тортишма, уни масхара қилма, унга ваъда бериб, кейин ваъдага хилоф иш қилма», деб айтганлар. Расулulloҳ алайҳиссалом қўлидан келмайдиган нарсани бировга ваъда қилганни ҳам, болаларга ваъда бериб, бажармагани ҳам қоралаганлар.


Ваъдабозлик, субутсизлик ёлғончиликнинг бир кўринишидир. Ёлғончилик, сўзида турмаслик, ёлғон гувоҳлик бериш, ваъдани бажармаслик гоҳят ёмон қилиқлар бўлиб, бундай кишилар қаттиқ гуноҳкор бўлишади, улар қиёмат куни энг ёмон кишилар сафида туради. Шундай бўлгач, ваъдабозликдан, ёлғондан, субутсизликдан қочиб ҳар биримизнинг мақсадимиз бўлсин.

Ким иймондан юз ўгирса...

فَإِنْ أَعْرَضُوا فَقُلْ أَنْذَرْتُكُمْ
صَاعِقَةً مِثْلَ صَاعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ ﴿١٣﴾

“(Эй Муҳаммад), агар
юз ўгирсалар, «Сизларни
Од ва Самудга келган
чақмоққа ўхшаш чақмоқ
билан огоҳлантирдим», деб
айтинг” (Фуссилат сураси,
13-оят).

Ушбу огоҳлантириш ҳақида Ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Каъб Қаразийдан қуйидагиларни ривоят қилади: «Утба ибн Робиъа Қурайш бошлиқларидан бири эди. Бир куни у Қурайшнинг мажлисхонасида ўтирарди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эса масжидда ёлғиз ўзлари ўтирар эдилар. Утба: “Эй Қурайш жамоаси, бориб Муҳаммад билан бир гаплашайми? Унга бир неча ишларни таклиф қилиб кўраман, шояд, баъзисини қабул қилиб қолса. Нимани хоҳласа, берар эдик, сўнгра биздан четланади”, деди. Ўша пайтда Ҳамза розияллоҳу анҳу Исломга кирган ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кўпайиб бораётгани очиқ-ойдин бўлиб турган пайт эди.



Қурайшликлар: “Тўғри, эй Абул Валид, унинг олдига бор. У билан гаплашиб кўр”, дейишди. Утба туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва гап бошлади: “Эй биродаримнинг ўғли, сен ичимизда ўзингдек кучли қабиладансан, насабинг ҳам маълум ва машҳур. Сен қавмингга улуғ бир ишни олиб келдинг, у билан ора-ларига тафриқа солдинг. Ақллари-ни паст, деддинг. Худоларини ва динларини айбладинг. Уларнинг ўтган боболарини кофир, деддинг. Менга қулоқ ос, сенга бир неча ишларни таклиф қиламан, уларга назар солиб кўр. Шояд, улардан баъзисини қабул қилсанг”, деди. “Эй Абул Валид, айт, эшитаман”, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. “Эй биродаримнинг ўғли, деди Утба, агар ўзинг келтирган ушбу иш билан молу дунёни хоҳлаётган бўлсанг, сенга молу дунёмиздан жамлаб берайлик, токи ичимизда энг кўп молу мулкли бўлгин. Агар у билан шону шарафни хоҳлаётган бўлсанг, сени ўзимизга бошлиқ қилиб олайлик, сенинг изнингсиз бирор иш қилмайлик. Агар у билан подшоҳликни хоҳлаётган бўлсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилиб олайлик. Агар сенга келаётган бу нарса бирор жин ёки шарпа бўлса, уни қайтара олмаётган бўлсанг, табибларни олиб келайлик. Токи тузалиб кетгунингча молу дунёмизни сарф қилайлик. Кўпинча одамга шундай нарса келганида даволанса, тузалиб кетади”.

Утба гапини тамом қилгунича қулоқ солиб турган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй Абул Валид, гапириб бўлдингми?” дедилар. “Ҳа”, деди Утба. “Энди мендан эшитгин. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳа мим» деб, Фуссилат сурасини тиловат қилиб кетдилар. Сажда оятини ўқиб, сажда қилдилар. Сўнгра: “Эй Абул Валид, эшитган нарсангни эшитдинг. Энди ўзинг биласан”, дедилар.

Утба ўрнидан туриб, шериклари томон юрди. Улар бир-бирларига: “Аллоҳга қасамки, Абул Валид олдимизга кетгандаги юзидан бошқа юз билан келмоқда”, дейишди. У олдиларига келиб ўтиргач: “Эй Абул Валид, нима гап олиб келдинг?” дейишди. У: “Аллоҳга қасамки, мен ундан ҳеч эшитмаган гапни эшитдим. Аллоҳга қасамки, у сеҳр эмас, шеър ҳам эмас, фолбинлик ҳам эмас. Эй Қурайш жамоаси, менга итоат қилинглар. У одамни ўз иши билан қўйиб қўйинглар. Ундан четланинглар. Аллоҳга қасамки, мен эшитган сўзга қараганда, унинг улуғ хабари бўлади (унга улуғ хабар келади). Агар бошқа араблар уни даф қилсалар, бошқалар сизни қутқарган бўлади. Агар у араблардан устун келса, унинг мулки сизнинг мулкингиз бўлади. Унинг иззати сизнинг иззатингиз бўлади. Энг саодатли одамлар бўласиз”, деди. Улар: “Эй Абул Валид, сени у ўз тили билан сеҳрлаб қўйибди”, дейишди. Утба: “Бу менинг фикрим, ўз билганларингни қилинглар”, деди».

Эй Пайғамбар, шунчалик кучли ҳужжат-далиллардан кейин ҳам кофир-мушриклар иймондан юз ўгирсалар, сиз уларга Од ва Самуд қабилаларига келиб, уларни ҳалок қилган чақмоқ буларни ҳам ҳалок этиши мумкинлигини айтиб, огоҳлантиринг. Чунки булар ҳам худди ўшаларнинг хатосини такрорламоқдалар.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

МУСУЛМОН КИМ, МЎМИН КИМ?

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ: وَالْمُؤْمِنُ مَنْ أَمِنَهُ النَّاسُ عَلَى دِمَائِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан омонда бўлган одам мусулмондир. Аллоҳ қайтарган нарсадан узоқда (ҳижратда) бўлган одам муҳожирдир», деганлар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоийлар ривоят қилишган. Термизий ва Насоийлар: **«Одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одам мўминдир»** жумласини зиёда қилишган.

Ушбу ҳадисда ҳамда унга Термизий ва Насоийлар ривоятидаги қўшимчада учта муҳим масала, учта муҳим таъриф келмоқда. Яъни бу ҳадисда ҳақиқий афзал мусулмон, афзал муҳожир ва афзал мўмин ҳақида баҳс юритилмоқда. Ушбу ҳадисда келган мусулмон, муҳожир ва мўминларнинг таърифи афзаллик таърифидир. Мисол учун, **«Мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан омонда бўлган одам мусулмондир»** деган жумладан «мусулмонларга тили ва қўли билан озор етказган одам мусулмон бўлмайди» деган маъно чиқмайди. Бу таърифлардаги гаплар «фалончини одам деса бўлади», «фалончи – ҳақиқий одам» қабилидаги гапга ўхшайди. Исломнинг беш рукнарига амал қилган одам мусулмон ҳисобланаверади. Аммо мусулмонларга озор бермаган, уларга тили ва қўли билан зарар етказмаган одам афзал мусулмон бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг афзал мусул-

монни бундай таърифлашларида оз сўз билан улкан маънони англатиш, луғат бойликларидан усталик билан фойдаланишнинг олий мақомлари ўз аксини топгандир.

Ислом, мусулмон сўzlари «саломатлик» «тинчлик» маъноларини ифода этади. Шунинг учун ўзга одамлар унинг ёмонликларидан тинч ва омонда бўлган киши мусулмондир, дейилмоқда. «Тилидан ва қўлидан» дейилганда фақат шу икки аъзо кўзда тутилган эмас. Одатда, одамларга кўпинча тил ва қўлдан зарар, озор етади. Аммо бундан бошқа услуб ва йўллар билан ҳам озор бериш яхши эмас. Ким бу ишни қилса, мусулмонлик фазлини йўқотади.

«Муҳожир» ҳижрат қилувчи (бошқа жойга кўчувчи) деганидир. Ҳижрат Аллоҳнинг йўлида, дину диёнат йўлида элу юртининг фироқига учрашдир. Бу улуғ мақом Исломда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар мушрикларнинг тазйиқи туфайли она юртлари Маккаи Мукаррамани ташлаб, Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан бошланган. У зот: **«Аллоҳ қайтарган нарсадан (ҳижратда) узоқда бўлган одам муҳожирдир»**, демоқдалар.

Бу таъриф ҳам худди аввалгисида зикр қилинган нарсаларни ўзида мужассам қилган. Унда “ҳижрат” сўзининг луғавий маъноси ватан, элу юрт ҳижрони бўлса ҳам, Аллоҳ қайтарган нарсалардан узоқда бўлиш ҳам ҳижрат ҳисобланиши мумкинлиги айтилмоқда. Шу боис, Аллоҳ қайтарган ишлар-гуноҳлардан узоқда бўлиш ҳам дин-диёнатга амал қилиш учун бўлганлиги туфайли муҳожирлик деб аталмоқда.

Энди Термизий ва Насоий ривоятларида келган: «*Одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одам мўминдир*» деган таърифга тўхталайлик. Иймон, мўмин сўзлари «омонлик», «ишончли» маъноларини англатади. «Мўмин» сўзи бизда «хушфёъл» маъносида ишлатилиши ҳам шундан. Мўмин одам доимо тинчлик, омонлик тарафдори бўлганидан одамлар унга ўта ишониб қоладилар. Яъни, ўз жонлари ва молу мулкларига мўминдан ёмонлик етмаслигига ҳамisha ишончлари комил бўлади.

УШБУ ҲАДИСДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДАЛАР:

1. Мусулмонларга озор ва ёмонлик етказмасликка ҳаракат қилиш. Чунки, ким мусулмонларга хоҳ тили билан, хоҳ қўли билан, хоҳ бошқа йўл билан озор етказса, ёмонлик қилса, у мусулмонлик фазлидан маҳрум бўлади.

2. Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ўзини тийишга қаттиқ уриниш. Чунки гуноҳ ишларнинг ҳижрони ила муҳожирлик мақомига эришиш мумкин экан.

3. Одамларнинг жонига, қонига ва молу мулкига кўз олайтирмаслик. Ким бошқаларнинг ўзига бўлган ишончини йўқотса, одамлар ундан жонлари учун, моллари учун хавфсирай бошласа, мўминлик фазилатини йўқотган бўлади.


Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳикматлари бугунги кунимиз учун қанча-

лик муҳим эканлигини гапириб ўтиришга ҳожат бормикан? Ҳозирги кунда жамиятлар тили ва қўли билан ёмонлик етказмайдиган мусулмонларга қанчалар муҳтож. Якка шахслар орасидаги муомалаларга қарасангиз, мусулмон мусулмонга турли йўллар билан озор бераётганини кўрасиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожирлик мақомига эришиш йўлини осонлаштириб, Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан қайтган одам ҳам муҳожир бўлишини эълон қилиб қўйибдилар. Ўзи шундай ҳам Аллоҳ қайтарган ҳар бир нарсадан қайтиш мусулмон банданинг бурчи эди. Аммо бу бурчни меҳр ила, шафқат ила бажарган одамга юксак мукофот – муҳожирлик мақоми эълон қилинибди. Хўш, мусулмонлар бу мукофотга қанчалик интиломоқдалар?! Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан қанчалик қайтмоқдалар? Аллоҳ таоло мусулмонларни ёлғондан, ҳаромдан, ароқдан, зинодан, зулмдан, ўғриликдан, алдамчиликдан ва бошқа кўпгина нарсалардан қайтарган. Агар ушбу ҳадисга амал қилганимизда, ушбу разолатлар жамиятимизда мутлақо бўлмас эди.

**Мўминлик қандай яхши нарса!
Мўминни кўрган одам ундан хурсанд бўлади, унга ҳавас қилади.
Мўминлиги учун унга жонини, молини ишонади. Чунки мўминлик омонлик тимсолидир. Афсуски, ҳозирда мўминлик даъвосини қилиб юрган айрим кишиларнинг қилмишларидан динга янги юзланганлар нафратланиб, ҳатто диндан қайтиб кетган ҳоллари содир бўлмоқда.
Ислом таълимотларидан, Пайғамбар алайҳиссалом суннатларидан узоқлашишнинг оқибати шу!**

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жуз).



Пайғамбар алайҳиссаломнинг қоратанли саҳобалари

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобалари ичида келиб чиқиши африқолик бўлган ўн тўрт нафар қоратанли кишилар бўлганини айримлар билмаса керак. Булардан Пайғамбаримизга энг яқини, биринчи Ислом муаззини Билол ибн Рабоҳ эди. Абу Абдуллоҳ Билол ибн Рабоҳ Ҳабаший розияллоху анху Маккага яқин жойда таваллуд топган, туғилишидан қул бўлган. Хўжайинининг қаттиқ қийноқ ва хўрлашларига қарамай, «Аҳад, Аҳад» (Аллоҳ бирдир) деяверган иродали саҳобий эди. Уни Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху қулликдан озод қилганлар. Ҳазрати Билол Абу Бакрдан кейин иккинчи бўлиб иймон келтирган. У озод этилганидан сўнг бутун ҳаётини Исломга бағишлади. Барча ғазотларда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан ён-

ма-ён бўлган, у зотни ҳимоя қилган. Пайғамбаримиз бу кишига қаттиқ ишонганларидан омборчи қилиб тайинлаганлар. Ҳазрати Билол биринчи Ислом муаззини ҳамдир. Ҳижратнинг биринчи йилларида Пайғамбар алайҳиссалом намозхонларни бир жойга жамлаш учун илк азон айтишни Ҳазрати Билолга юкладилар ва у киши Расули акрам вафотларига қадар бу вазифани ихлос билан бажарди. У Макка, Мадина ва Қуддусда азон чақирган. Билол Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан кейин Шомга кетиб қолди ва умри охиригача фақирона ҳаёт кечирди. Билол Пайғамбаримиз томонларидан жаннат муждаси билан шарафланган зотлардан эди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам “Жаннатда сенинг кавушларинг шипиллаши овозини эшитдим” деганларида у

йиғлаб юборган. Ҳазрати Билол халифа Умар ибн Хаттоб даврида, ҳижрий 20 (милодий 642) йили Шомда вафот этди, қабри Дамашқ шаҳрида.

Ҳабашистон подшоҳи Нажоший Пайғамбар алайҳиссаломни кўрмагани учун саҳобий саналмаса-да, у зотга ишонган ва муҳаббат қўйган мўминлардан бўлган. Ҳабашистон нажошийи (подшоҳи) насроний Асҳама Исломнинг илк даврида маккалик мушрикларнинг тазйиқидан жон сақлаш мақсадида Ҳабашистонга ҳижрат қилган мусулмонларни ўз ҳимоясига олган ва улар ҳузурида имон келтирган эди. У ақлли, доно, ўта адолатли киши бўлиб, унинг мамлакатада ҳеч кимга зулм қилинмас эди. Мусулмонларга кўрсатган хизматларини эътироф этган Пайғамбаримиз алайҳиссалом Нажоший вафот этганида унга ғойибона жаноза намози ўқиганлар.

Яна бир занжи саҳоба Абу Муҳаммад Усома ибн Зайд ибн Ҳориса ибн Шураҳбил ал-Қалбий розияллоҳу анҳу Исломга аввалгилардан бўлиб кирган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинага ҳижрат қилган. У Ҳандақ ғазотида катта жасорат кўрсатган. Пайғамбаримиз уни жуда яхши кўрганлар, аскарларга қўмондон қилиб тайинлаганлар. Усома бу вазифада Ҳазрати Абу Бакр ва Умар даврларида ҳам қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин йигирма ёшдан ошмаган Усома аввал Водил-Қуроода, сўнгра Дамашқда истиқомат тутди. Кейинчалик Мадинага қайтиб, умрлари охиригача шу ерда яшади. Пайғамбар алайҳиссаломдан 128 та ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 54 (милодий 673) йили, Муовия замонида вафот этди.

Яна бир қоратанли саҳоба Саъд ибн Асвад бир куни бирорта ҳам оила қора-

лиги учун қизини хотинликка бермаётганидан Пайғамбар алайҳиссаломга шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз саҳобаларидан Амрнинг хонадонига, унинг соҳибжамол қизига совчиликка жўнатдилар. Амр қизини қоратанли кишига беришни истамади. Шунда бу воқеадан хабар топган қизи Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари ерда қолмаслиги учун унга тегишга рози бўлди. Тўйдан кўп вақт ўтмай Саъд ғазотга чақирилди. У Пайғамбар алайҳиссалом кўриб қолсалар янги куёвлиги учун ортга қайтариб юборишларидан хавотир олиб, юзини яширган ҳолда жангга кириб кетди. Саъд жанг майдонида шаҳид бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом уни кўтарган ҳолда шундай дедилар: “Мен севимли саҳобамдан ажраганимга йиғлаётган эдим, аммо унинг Аллоҳ ҳузуридаги мақомини кўрганимдан кейин кула бошладим”.

Абу Дасама Ваҳший ибн Ҳарб Ҳабаший розияллоҳу анҳу ҳам саҳобийлардан бўлган. У Қурайш зодагонларидан Жубайрнинг кули эди. Абу Суфённинг хотини Ҳинд мусулмонлардан ўч олиш мақсадида Ваҳшийни озод қилиш эвазига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли амакилари амир Ҳамзани ўлдиришни унга топширди. Ана шу мудҳиш қотилликдан кейин Ваҳший Исломга кирди ва гуноҳларига тавба қилди. Пайғамбар алайҳиссалом уни кечирган бўлсаларда, ҳар гал яралари тирналмаслиги учун кўзларидан нари юришни буюрдилар. Ваҳший Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин муртад Мусайламатул Каззобни ўлдириб, Исломнинг энг катта душманларидан бирини йўқ қилди ва бу билан кўнгли сал таскин топди.

Аҳмад МУҲАММАД

Жонлик қандай сўйилади?

Арабча “забиҳа” сўзи сўйиладиган ҳайвон дегани, ҳайвон сўйишга оид илм эса “забоиҳ” дейилади, бу “забҳ” – сўйишнинг кўплик шаклидир. “Забҳ” сўзи луғатда “ёрмоқ” маъносини билдирса-да, кейинчалик ҳайвонларнинг бўғиз томонидан ҳалқумини кесишга нисбатан ишлатила бошлаган.

Фуқаҳолар наздида “забҳ” сўзи уч хил маънода қўлланилади: а) ҳалқумни кесиш, ҳалқум жағ билан лабба (кўкракнинг юқори, бўйиннинг пастки қисми) ўртасидаги жой; б) ҳалқум ёки лаббани кесиш; в) ҳайвоннинг ҳалоллигига сабаб бўлиши учун кесиш. Бу ихтиёрий, яъни бемалол сўйиладиган ҳайвонда ҳалқумни ёки лаббани кесиш, изтирорий, яъни бемалол бўлмаган ҳайвонда тўғри келган жойига найза отиб ёки жароҳатловчи овчи ҳайвонни жўнатиб, жонини чақариш билан бўлади.

Одатда забоиҳ – сўйишлар бобида сўйишга тегишли бир неча истилоҳлар ишлатилади. Асосий мавзуга ўтиш олдидан уларга шарҳ бериб ўтиш зарур бўлади.

Наҳр – луғатда кўкрак ва кўкракнинг юқори қисмини билдиради. Фуқаҳолар истилоҳида эса, лабба, яъни бўғиздан пастдаги бўйин қисмидан сўйишга ишлатилади. Одатда забҳ-

нинг муқобилида наҳр ишлатилади. Туяларни наҳр билан сўйиш мустаҳаб саналади.

Ақр – аслида туя ёки қўй ва эчкиларнинг тик турган ҳолида қилич билан оёқларини чопиб ташлашга айтилади. Кейинчалик қатл ва ҳалок қилишга ҳам ишлатиладиган бўлди. Гоҳида туяни наҳр қилишга ҳам ишлатилади. Чунки туя сўювчи одатда туянинг оёғига қилич уриб, кейин бўйнидан сўяр эди. Фуқаҳолар боғлаб сўйиш имкони бўлмаган ҳайвонларни тўғри келган жойига жароҳат етказиб ўлдиришга ҳам бу истилоҳни ишлатадилар.

Жарҳ – луғатда касб қилишга ишлатилади. Аллоҳ таоло: “Аллоҳ кундузда нима касб қилганингизни билади”, деб марҳамат қилган. Шунингдек, бирор нарсага қурол орқали жароҳат етказишга ҳам ишлатилади. Фиқҳ китобларида ақр маъносида ҳам ишлатилади.

Сойд – луғатда вахший ҳайвон ёки йиртқич қушнинг овни тутишига ҳамда овланган ёки энди овланадиган нарсаларга ишлатилади. Фуқаҳолар эса, овланувчи ҳайвонни, ов қилишни “сойд” сўзи билан ифодалайдилар.

Тазкия – луғатда ҳайвонни (Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилиб) забҳ ёки наҳр қилишга айтилади. Фуқаҳолар истилоҳида эса, гўшти ейиладиган ҳайвоннинг пок ва гўштини ейиш ҳалоллигига шаръий сабаб ҳамда гўшти ейилмайдиган ҳайвоннинг териси, гўшти ва ёғларидан ейишдан бошқа ўринларда фойдаланиш ҳалоллигига шаръий сабаб “тазкия” дейилади. Соддароқ қилиб айтганда, гўшти ейиладиган ҳайвонни шаръий йўл билан сўйиб- ҳалоллаб олиш “тазкия” дейилади.

Агар ҳайвон чўчқа каби тирик ва ўлик ҳолида ҳам гўшти ейилмайдиган, нажас ҳайвон бўлса, шаръий йўл билан сўйиш унга ҳеч қандай таъсир қилмайди, яъни, гўштини ҳам, терисини ҳам, суягини ҳам покламайди. Агар айиқ, хонаки эшак каби гўшти ейилмайдиган, лекин тўнғиз каби нажас бўлмаган, тириклигида пок, ўлганидан кейин нопок ҳайвонлар бўлса, Аллоҳ таолонинг исми билан сўйилса, гўшти ва ёғларини суртиш ва йиртқичларга озуқа қилиб бериш ҳалол бўлади. Лекин ундан одамларнинг ейиши жоиз эмас. Териси ошлашдан аввал ҳам пок бўлади.

Агар чумоли ва ари каби қони йўқ, тирик ҳолида ҳам, ўлик ҳолида ҳам пок жонзот бўлса, уни тазкия қилишга ҳожат йўқ. Ҳашаротларни ейиш ҳалол бўлмаса-да, сув каби суюқликларга тушса, уларни нопок қилмайди.

Гўшти ейиладиган ҳайвонлар агар қуруқлик ҳайвони бўлиб, қони бўлса,

тазкия қилишга лойиқ бўлади ва тазкия қилиш унда уч хил таъсир қилади:

1) поклиги боқий қолади.


2) ошланмасдан аввал териси ва юнгларида фойдаланиш ҳалол бўлади

3) гўштини ейиш ҳалол бўлади.

Гўшти ейиладиган ҳайвонларда ҳаром қилинган нарса асосан унинг томирларида оқувчи қонидир. Бу қон забҳ ёки наҳр қилиш орқали чиқариб юборилади. Аллоҳ таоло фақат покиза нарсаларни ҳалол қилган. Қуръони каримда шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад), улар ўзларига нима ҳалол қилинганини сўрашади. Сиз: «Барча покиза нарсалар сизларга ҳалол қилинди. Аллоҳ сизларга билдирганидай овчи ит каби ўргатилган йиртқичлар тутиб келтирганини Аллоҳ номини зикр қилиб еяверинглар. Аллоҳдан қўрқинглар, Аллоҳнинг ҳисоби албатта тездир», денг” (Моида, 4); “Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Расулга эргашади” (Аъроф, 157).

Поклик фақат қонни забҳ ёки наҳр қилиш орқали чиқариб юбориш билан бўлади. Ушбу қон “дам масфуҳ” – оқувчи қон, дейилади. Ана шу қон чиқиб кетмас экан, ҳайвон ҳалол бўлмайди. Аллоҳ таоло инсонга ҳайвоннинг руҳини олиб, уни ейишга ижозат бериши Аллоҳ таоло инсонни икром қилганининг белгисидир. Шундай экан, ҳайвоннинг руҳини олиш Аллоҳ таолонинг кўрсатмасига мувофиқ бўлиши керак.

Абдуманнон АБДУЛЛОҲ



Нафсинг асл моҳияти

Нафсга лаззат бўлса бўлди

Ибодатдан лаззатланиш тарбияси

Биз-чи? Биз шундай қияпмизми?

“Нафсим
менинг
балодир”

Нафснинг асл моҳияти

Нафс десак, аввало инсонни гуноҳу маъсиятга етакловчи ҳою ҳаваслар, шаҳватлар, эҳтирослар ёдимизга келади. Яъни, салбий маънодаги нафс эсга келади. «Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга солодур», «Нафси ёмон ҳайитда ўлибди» дейди доно халқимиз. Қачон бир гуноҳ ҳақида гапирсак, «нафсига эргашиб шу ишни қилибди», «нафсингни жиловла, гуноҳ қилмайди», деймиз. Шунинг учун хаёлимизда нафс бизни доим ёмон ишга, гуноҳга чақириб турадиган нарса деган тасаввур шаклланиб қолган.

Аслида эса, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бизни йўлдан урган нарса нафс эмас, шайтондир. Шунда ҳам шайтон қўлимиздан судраб бориб, бизни гуноҳ қилишга мажбурламайди. Унинг иши гуноҳга васваса қилиш, холос. Гуноҳни ўзимиз қиламиз. Шундай экан, «шайтон йўлдан уриб, гуноҳ қилдим» эмас, «шайтон васваса қилган эди, унинг васвасасига учиб, йўлдан урилиб, гуноҳ қилиб қўйдим» десак, тўғрироқ бўлади.

Аммо бир ўйлаб кўрайлик-чи, бизни нафс йўлдан урадимми ёки шайтонми? Агар шайтон йўлдан урса, нафснинг гуноҳдаги иштироки қандай?

Масаланинг яна бир томони борки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда гуноҳ қилган одамни маломат қиладиган нафс ҳақида ҳам сўз юритиб, уни «нафси лаввома» деб атайдди. Биз одатда виждон деб атайдиган нафс ҳам бор эканки, у инсонни тергаб, ёмон иш қилса, танқид ва маломат қилиб турар экан. Хўш, бу қандай нафс? Агар у бизни гуноҳ туфайли маломат қилса, бундан чиқди, жуда унчалик ёмон нарса ҳам эмас экан-да? Ёки нафснинг ҳам яхшиси ва ёмони бўлармикин?

Бу жумбоқнинг ечими шу қадар тегаран маъноли, шу қадар улкан аҳамиятли эканки, бу ҳақда батафсил тўхталиб

ўтмасак бўлмайди. Чунки нафснинг асл моҳиятини тушунишга ҳаракат қилсак, нафақат нафс ҳақидаги, балки умуман бу дунёдаги ҳаётимиз, феъл-атворимиз ҳақидаги тасаввурларимиз остин-устин бўлиб кетиши мумкин.

Нафсга лаззат бўлса бўлди

Уламоларимизнинг айтишича, нафс фақат ёмон ишларга, гуноҳларга интилувчи, инсонни маъсиятга етакловчи нарса эмас. Унга лаззат, ҳузур-ҳаловат бўлса кифоя, холос. Эътибор беринг, нафс – лаззатга интилувчи ғариза экан. Масаланинг энг қизиқ жойи ҳам шу ерда. Чунки лаззат деганда ҳозирги кунда фақат маиший, моддий лаззат тушуниладиган бўлиб қолган.

Шунинг учун нафс деганда инсонни ёмон йўлга бошлайдиган лаззатлар эсимизга келади. Аммо мўмин-мусулмон инсон фақат таомдан, ичимликдан, шаҳватдан эмас, балки тоат-ибодатдан ҳам лаззат олади. Мўмин одам Аллоҳ таолонинг биру борлигини, чексиз қудратини тафаккур қилса, У Зотга иймон келтирса, сиғинса, юкинса, намоз учун покланиб, жойнамозга турса, пешонасини саждага қўйиб, ўзининг нақадар ожизу нотавонлигини, Роббининг нақадар азизу улуғворлигини, Аллоҳ таолодек паноҳи, мададкори, ҳимоячиси борлигини ҳис қилса, У Зотга бандалик қилаётганидан, У Зот рози бўладиган амалларни бажараётганидан қалби ҳаловат топади, чинакам лаззат топади. Бу лаззатнинг, бу ҳаловатнинг таърифига тил ожиз, қалам нотавон.

Демак, нафс фақат еб-ичишдан, шаҳватдан, ясан-тусандан, шуҳратдан, ҳукмронликдан, бойликдан, куч-қудратдангина эмас, балки тавбадан, тазаррудан, тоат-ибодатдан ҳам лаззат олади. Юқорида айтганимиздек, унга лаззат бўлса кифоя.

Тасаввуримизни, дунёқарашимизни остин-устин қилиб юборадиган нуқта мана шу ерда. Модомики нафс фақат лаззатга интилар экан, демак, Аллоҳ таоло бу неъматни бизга уни тўғри, ҳалол, муносиб йўл билан қондириш учун ато этган. Демак, нафс аслида ёмон нарса эмас. Агар биз нафсимизни уни ато этган Роббимиз кўрсатганидек тўғри тарбияласак, уни ҳалол неъматлардан лаззатланишга ўргата олсак, бу нафс бизни гуноҳ-маъсиятга эмас, тоат-ибодатга, ёмонликка эмас, эзгуликка ундайдиган гўзал, зарофатли бир хилқатга айланаркан. Аллоҳ асрасин, агар биз унинг асл моҳиятини тушунмай, моддий, маиший, ўткинчи нарсалардан лаззатланишга ўргатиб қўйсак, сўзимизнинг бошида айтилган ёмон нафсга, баднафсга айланиб қолади. Аксинча, нафсимизни чинакам, илоҳий лаззатга ўргатсак, бу ҳақиқий лаззат қаршисида дунёнинг ўткинчи ҳою ҳаваслари, забузийнатлари унинг учун арзимас нарсага айланиб қолади.

Бу тушунчаларни илк бор ҳис қилар эканмиз, бугунги кунимизга минг афсус-надоматлар билан қараймиз. Чунки биз бу дунёда инсонни ёмон йўлга бошлайдиган нарса нафс, деб ҳисоблар эдик. Аслида эса биз инсоннинг нафсини тоатдан эмас, беҳуда нарсалардан лаззатланишга ўргатиб қўйиб, яна уни ўзимиз айблаб юрган эканмиз. Ҳа, қанчалар аччиқ бўлмасин, тан олишимиз керакки, биз нафсининг асл моҳиятини, унинг хусусиятларини билмаганимиз, бу борада маърифатимиз йўқлиги боис, уни асл мақсаддан бошқа томонга буриб юборганмиз.

Аслида нафс тарбиясини инсоннинг болалигидан бошлашимиз, уни тоат-ибодатдан ҳам, бошқа ҳалол-пок неъматлардан ҳам лаззатланишга баравар ўргатишимиз, бироқ ибодатдан лаззат олишга алоҳида урғу беришимиз, болани бунга рағбатлантиришимиз лозим экан. Бунинг учун эса бу борада унга ўзимиз шахсий ўрнак бўлишимиз керак,

чунки бола биз нимадан хурсанд бўлиб, нимага хафа бўлганимизни ҳушёрлик билан кузатиб туради ва тегишли ҳулоса чиқариб, беихтиёр бизга эргашади. «Фарзандларингизни тарбиялаб овора бўлманг, улар барибир ўзингизга ўхшайди. Сиз ўзингизни тарбия қилинг» деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган.

Ибодатдан лаззатланиш тарбияси

Аслида биз болани аввало ростгўйликдан, ҳалолликдан, мардликдан, сахийликдан лаззатланишга ўргатишимиз керак экан, бир иш буюрсак, уни қилгани учун бирор ширинлик ёки буюм эмас, ажру савоб ваъда қилишимиз керак экан. Бирор ножўя иш қилиб қўйса, уни пулдан, ширинликдан, телевизор кўриш ёки компьютер ўйнашдан, бирор томошага боришдан маҳрум қилиш ўрнига, бу иши Аллоҳ таолога ҳуш келмаслигини, бир одамга ёки кўпчиликка азият етказишини айтиб, уни ўйиндан қолганидан эмас, хато ишдан афсус чекишга, айбини ювишга ўргатишимиз керак экан.

Биз-чи? Биз шундай қиляпмизми?

Афсуски, йўқ. Аксинча, ўткинчи лаззатни, бир буюм ёки бир ўйин-кулгини фарзандимизнинг асл мақсадига, энг катта орзусига ўзимиз айлантриб қўйяпмиз экан! Бир иш буюрсак, ҳали конфет, ҳали музқаймоқ ваъда қиламиз, оқибатда бола ҳар бир ишни қандайдир лаззат, ҳузур-ҳаловат илинжидагина қилишга ўрганиб боради. Бирор хато қилса, яна ўша конфетдан, ўйинчоқдан маҳрум қиламиз. Оқибатда бола ўша хатони қилмаслик эмас, лаззатдан маҳрум бўлмаслик пайдан бўлиб қолади.

Бундан ҳам ачинарлиси шуки, баъзан мурғак бола нафси учун чинакам, асл лаззат боиси бўлган ибодатларни мана шу арзимас лаззатларга восита қилиб қўямиз: «мана шу сураларни ёдласанг, телефон олиб бераман», «ҳарфларни ёдлаб бўлсанг, музқаймоқ олиб бераман» ва ҳоказо. Ҳар бир инсоннинг, ўз фарзандимизнинг икки дунёдаги бахтсаодатига восита бўладиган илмни, ибодатни арзимаган ширинликка восита қилиб қўяр эканмиз. Оқибатда бола тоат-ибодатдан ҳам қандайдир моддий натижани, маиший лаззатни мақсад қиладиган бўлиб қолмайдими? Аллоҳ асрасин.

Аслида биз нафс тарбиясини шундай олиб боришимиз керакки, фарзандимиз мактаб деразасининг ойнасини синдириб қўйса, ўқитувчи бу ишни ким қилганини сўраганда айбини тан ола олсин. Уйга келганда эса «Дада, ойнани синдириб қўйган эдим. Уни ҳеч ким кўрмаган эди. Ўқитувчимиз бунини ким қилганини сўраганда индамасам ҳам бўларди, лекин сиз ўргатганингиздек, мен қилганимни айтдим. Эртага янги ойна солиш учун фалон сўм олиб боришим керак экан» дея олсин. Биз ҳам унинг бу ишини мақтаб, «Баракалла, ўғлим. Тўппа-тўғри қилибсан, бошингга қилич келса ҳам рост гапир. Бу ишинг ҳақиқий ўғил боланинг, ҳақиқий мусулмоннинг иши бўлибди. Ўқитувчингдан узр сўраб, мана бу пулни бериб қўй» дея олайлик. Ана шунда боланинг нафси ҳеч кимга кўрсатмай айб иш қилиб, уни усталик билан яширганига эмас, хатосини тан олиб, рост гапирганига хурсанд бўлади. Уни кўриб, бошқа болалар ҳам унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Ана шундагина мурғак қалб ибодатдан лаззатланишга ўрганади.

Шу каби кичик-кичик воқеалардан, чизгилардан нафси аввало Аллоҳ таолонинг ибодатидан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари-

га эргашишдан лаззатланадиган комил инсон сиймоси шаклланади. Биз мана шу юксак мақомга етишишга интилсак, фарзандларимизни шу манҳажда тарбиялай олсак, бугунги кундаги кўплаб муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Қанийди ўз нафсимизни, фарзандларимизнинг, ёш авлоднинг нафсини аввало тоат-ибодатдан лаззат олишга ўргата олсак! Агар Аллоҳ таоло бу улуг неъматни насиб қилса, бу бахтиёр инсонлар дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларига алданмас, азалдан белгиланиб, кафолатланган ризқни деб, тоат-ибодатдан чалғимас эдилар. Бу дунёнинг барча лаззатлари улар учун оддий кундалик эҳтиёж, маиший зарурат даражасидан ортмас эди. Улар ибодатдан ҳам, таомдан ҳам, бошқа неъматлардан ҳам баравар баҳраманд бўлишар, аммо иймон ҳаловати, ибодат лаззати улар учун қолган барча нарсалардан афзал бўлар эди. Агар нафсимизни тўғри йўл билан, асл мақсад йўлида қондиришни ўргансак, орадан кўп ўтмай, бугунги умматдан ҳам имом Бухорий, имом Термизийлар, Замахшарий, Хоразмий, Берунийлар етишиб чиқади, иншааллоҳ.

Зеро, бу буюк зотлар нафс тарбиясида пешқадам бўлишган, уларнинг нафси ибодатдан шундай лаззат олганки, бундай лаззатни бошқа неъматлардан топа олмаган. Ибодатдан, Аллоҳ таолони танишдан, У Зотни зикр қилишдан лаззат олишнинг энг олий намунасини эса тасаввуф машойихларимизда кўришимиз мумкин.

Эркин ТУРСУНОВ.



Абдуҳаким қори МАТҚУЛОВ,
*Тошкентдаги Исломота жомеъ
масжиди имом-хатиби*

Ниятлари пок эди

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ бизга устоз, отадек меҳрибон, акадек яқин, самимий маслаҳатгўй ва энг яқин дўст эдилар. Мен у кишини эслаганимда баъзан ўттиз-ўттиз беш йилга ёшариб кетаман.

Мен ҳазрат билан 1985 йили танишганман. Ўшанда у киши Тошкент Исломота институтида катта ўқитувчи, яъни устозлардан эдилар. 1986 йили институтга ўқишга кириш насиб бўлди. Ҳазратнинг талабалари сафидан жой олдим. Бизга тафсир ва улумул-Қуръондан ўзлари дарс берганлар.

У киши институтда жуда кўп ислохотларни амалга оширдилар. У пайтда юртимизда Қуръон илмлари борасида ҳеч қандай дарс йўқ эди. У киши ўзлари ҳаракат қилиб, рухсат олиб, институтда шу фаннинг ўқитилишини йўлга қўйдилар. Шунингдек, тафсир илмидан «Равоиъул-баён», ҳадис илмидан «Манҳалул-ҳадис» каби замонавий қўлланмаларни ҳам ўқув дастурига киритганлар. Мустабид тузум даврида институтда бу каби ўзгариш қилиш жуда ҳам машаққатли, нозик иш эди. Ўзларининг айтишларича, бу ўзгаришларни Ўзбекистонда Диний идора ҳам, ҳукуматдаги масъуллар ҳам ҳал қила олмагач, Москвага бориб, тегишли идораларга учраб, рухсат олиб келган эканлар.

Мен Шайх ҳазратлари ҳақида сўзлар эканман, бир нуқтага эътибор қаратмоқчиман. У кишининг тақвоси, илму заковатлари барчага маълум, бу маънода у кишини бутун дунё уламолари эътироф этган. У киши аср уламоларидан ҳисобланардилар. Бу кишидек серқирра олим бизнинг юртимизда сўнгги асрларда бошқа чиқмаганини бугун кўпчилик таъкидламоқда. Бу айни ҳақиқат. У кишидаги одамийлик, меҳр-оқибат ҳам намунавий даражада эди. Бунга устозимизнинг барча яқинлари ҳам гувоҳлик беришади. Аммо у кишидаги энг буюк фазилат ва асосий ютуқ – ниятнинг поклиги эди. Ҳа, устозимизнинг ниятлари ўта пок, ҳар қандай шахсий, моддий манфаатлардан холи, холис эди. Кошки, ҳар биримизда, ҳар бир мўмин бандада шу хислат бўлса, ҳаммаёқ яна ҳам яшнаб кетарди.

Биз маъҳадда ўқиган йилларда у киши аввал катта ўқитувчи, кейин проректор, сўнг ректорлик вазифаларида хизмат қилдилар. Биз тўртинчи босқич талабаси бўлганимизда у киши ўша пайтдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасига раис, муфтий этиб сайландилар. Ўқишни битирганимизда у киши мени ёнларига чақириб, идорада ишда қолишни таклиф қилганлар. У кишининг тавсиялари билан Диний идоранинг Халқаро бўлимида иш бошлаганман.

Мен собиқ Иттифоқ таркибига кирган қўшни жумҳуриятларда, шунингдек, кўплаб араб ва Африка давлатларида у киши билан ҳамсафар бўлганман. Сафарлар турли мавзу ва муносабатлар билан бўлган. Аммо мен учун энг қадрлиси ва бир умрга хотирамда ўчмас из қолдиргани 2006 йилги муборак ҳаж сафарида у кишига ҳамроҳ бўлганимдир. Ҳазрат

ўшанда аҳлиялари – ҳожи онамиз ва қизлари билан бирга боргандилар. Муфтий Усмонхон домла, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори ака ва бошқа кўплаб аҳли илмлар ҳам ўша йили устоз билан бирга ҳаж қилганмиз.

Ҳазрат бизни ўзларига яқин олиб, сафарларда бирор нарсани илиниб қолсалар, “юринг бирга” деб ёнларига олар, айрим маълумотлар билан таништириб қолар эдилар. Бир куни Мадинаи мунавварада худди шундай ҳолат бўлди. У киши билан Масжиди Набавийга бордим. Хуфтон намозидан кейин равзаи мутоҳҳарани ҳам зиёрат қилдик. Шу ерда у киши менига «Ҳадис ва Ҳаёт» китобини ёзиш ҳақида қаерда истихора қилганлари, қаерда дуо қилганлари ва бу ерда шу мавзуда кимлар билан қайси жойда маслаҳатлашганларини ўзлари бирма-бир кўрсатиб юриб, ҳикоя қилиб бердилар. Ўшанда икки-уч кун тушларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ишора бўлиб, сўнг китобни ёзишга киришган эканлар.

Мадина зиёрати тугаб, юртимиз ҳожилари билан бирга Маккаи мукаррамага бордик. Биз ҳожилар билан бир меҳмонхонага тушдик. Ҳазрат Ислом Робитасига қарашли меҳмонхонага жойлашдилар. Ўзлари бошқа меҳмонхонада бўлсалар ҳам, кўпинча бирга бўлардик. Ҳарами Шарифга намозга бирга бориб келардик. Бир куни одатдагидек шом намозига бирга бордик. Намоздан сўнг Каъбаи муаззаманинг яқинига ўтирдик. Ўша ерда у киши сўз очиб, шундай дедилар: «Қори домла, бир таклиф бор, шуни сизга айтиш фикри шу ерда кўнглимга келиб қолди. Ҳозир юртимизда анча-мунча китоблар нашр қилдик, халқимизнинг илмий савияси ҳам бироз ортди. Энди бир фикрхўй академия очсак, юртимизда-

ги илмий тадқиқот қила оладиган аҳли илмларни жалб қилсак. Унинг расмий ишларини сиз қилсангиз, биз илмий-малий тарафини юргизсак, жуда яхши иш бўларди. Бу фақат илмий ҳаракат бўлади, давлат ва диний идора ишларига аралашилмайди. Бошқа диний илм даргоҳлари ҳам ўз ишини қилаверади. Бу академия мустақил равишда ва юқори илмий савияда халққа хизмат қилишга қаратилган бир тадқиқот маркази бўлади. Ҳозирда илмсизлик сабабли кўплаб ёшлар ҳар хил тоифаларга қўшилиб қоляпти, одамлар ўрта-сида ихтилофлар урчиб кетяпти. Ҳаммаси шариатни билмагандан, хусусан, фикҳий ёндашув йўқлигидан бўляпти. Бу нарса ҳаммани ташвишга соляпти. Бизнинг ҳаракатимиз айна шу муаммони ҳал қилишга хизмат қилади, «Жаҳолатга қарши илм билан курашиш керак» деган шиорга айна жавоб берадиган иш бўлади. Биз адашган кимсалар билан илм қуроли ила кураш олиб борамиз. Юртимизда асрлар оша давом этиб келаётган аҳли сунна эътиқоди ва ҳанафий мазҳабини тарғиб қилиб, уни илмий асосда тушунтириб, шу йўлда мустаҳкам турсак, ҳаммасини енгамиз, анави бемаза ишлар ўзўзидан йўқ бўлиб кетади. Биздаги энг катта нуқсон – мазҳабни билмаслик, унда мустаҳкам турмаслик бўлмоқда. Биз бир илмий марказ қилиб, халқнинг диний саводини оширсак, ҳаммаси жойига тушади. Мана шу хайрли ишни шу муборак заминда ният қилиб борайлик, Ватанга қайтганда борибоқ тездан шу ишни амалга оширишга киришайлик. Сиз ҳам шуни дилдан астойдил қасд қилиб, шу ердан режани бошлаб, дуо қилинг, Аллоҳ Ўзи муваффақ қилса, ажаб эмас», дедилар. Хуфтондан кейин ҳазрат билан бир яқинларининг хонадонига меҳмонга бордик. У ерда ҳам шу мавзуда айрим

фикрларни айтдилар. Жуда юқори бир кайфиятда, яхши умидлар билан мавзуни ёпдик.

Юртга қайтдик. Мен у пайтда «Кўкалдош» мадрасасида мудир эдим. Ҳазратнинг уйларига бордим. Китобларнинг нашри бўйича асосий ишни ҳазратнинг ўғиллари Исмоилжон бажарарди. У пайтда ҳозиргидек нашриёт йўқ, уйларида ўтириб маслаҳатлашдик. «Ҳадис ва Ҳаёт» китобининг биринчи «Муқаддима» жузи Диний қўмитага рухсат олиш учун топширилдиган бўлди. Қўмита раиси Шоазим ака Мунавваров эди. У киши Ҳазратни жуда ҳурмат қиларди. Мен китобни у кишига топшириш баробарида Ҳазратнинг менга Ҳарамда айтган ният ва режаларини батафсил етказдим. Ҳазратнинг режалари ичида ишни бирор жойни ижарага олиб, ўша ерда бошлаб туриш ва бошқа моддий тайёргарликлар ҳам бор эди. Уларни ҳам бироз гаплашган бўлдик. Шоазим ака таклифни жуда илиқ қабул қилиб, раҳбарият билан маслаҳатлашишини айтди.

Китобга рухсат чиққанда уни қабул қилиб олиш учун Диний қўмитага борадиган бўлдим. Ҳазрат: «Шоазим Мунавваров жанобларига биздан салом айтинг. Бизнинг таклифимиз бўйича бирор дарак бормикин, бир сўраб қўйинг», дедилар. Мен Шоазим акага ҳазратнинг саломларини етказиб, таклифлари бўйича жавоб кутаётганларини билдирдим. Шунда у киши эндигина рухсати олинган «Ҳадис ва Ҳаёт» китобини қўлига олиб, «У тарафдан жавоб йўқ-ку, лекин мана шу китобга рухсат берилган куни сизлар «Фикҳ академияси»ни очиб бўлдинглар, бемалол шундай ҳисоблайверинглар. Ҳазратга менадан салом айтиб, шу гапимни у кишига етказинг», деди. Мен қайтиб келиб,



Ҳазратга бўлган гапларни айтиб бердим. У киши Шоазим аканинг мазкур талқинларига таҳсин ўқидилар, жуда ҳам мамнун бўлдилар.

Айтмоқчиманки, Ҳазратнинг ниятлари пок бўлгани учун биз уларнинг ҳаётда рўёбга чиққанига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир неча йил муқаддам Аллоҳдан истихора қилиб, яхши умидлар билан Равзаи муборак қошида ният қилиб бошлаган ишлари – «Ҳадис ва Ҳаёт» китоби нашр бўлиб, халқимизнинг қўлига етиб борди. Бугун бу асар ўзбек тилидаги ўзига хос ҳадис қомуши вазифасини бажариб турибди.

Маккаи мукаррамада билдирган ниятлари ҳам, воқеъликни олиб қарсак, деярли амалга ошди. У режа балки олдиндан бўлгандир, аммо қатъий ҳаракат нияти ўша муқаддас маконларда бўлди ва тавофу ибодатлар асносида дуо қилиб сўралди. Бу дуоларнинг ижобати бугун яққол намоён бўлиб турибди. Ҳазрат гарчи расмий жиҳатдан махсус ном билан академия очишга улгурмаган бўлсалар ҳам, амалда унинг вазифасини бажарадиган марказга асос солдилар. Ўнлаб толиби илмларни, аҳли илмларни жамлаб, уларни турли илмий хизматларга камарбаста қилдилар. Улар ҳозир ҳам устознинг ишларини давом эттириб, у зот кўрсатган йўлда фаолият юритмоқдалар. Шунингдек, мана «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ва у ерда ўтказилаётган тадбирлар, бир нечта китоб дўконлари фаолият юритаётгани, «Олтин силсила» лойиҳаси – буларнинг ҳаммаси айни академиянинг ишлари ҳисобланади.

Ҳазратнинг умрлари охирида ёзган китобларидан, ҳаётларининг сўнги кунларида нашр қилиниб, халқимизга тақдим қилган асарларидан бири – «Амаллар ниятларга боғлиқдир» номли китоблари бўлди. Бу асар

«Ислоннинг мадори бўлган ҳадислар» туркуми остида чиқди. У киши бу рисолада шу ҳадисга юз саҳифадан ортиқ шарҳ берибдилар. Қаранг, биргина ният ҳақида у кишининг қалбларида шунча илм жамланган экан. Китобни ўқир эканман, Ҳазратнинг ўша ҳаж асносида қилган ниятлари ва уларнинг амалга ошгани эсимга тушаверди, ҳазратнинг ният поклиги борасидаги фазилатларига яна бир бор тан бердим. У кишининг ниятлари ана шундай соф ва мустажоб бўлар эди.

Шайх ҳазратлари ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар, забардаст олим эдилар. Ўзлари жаҳонгашта бўлсалар ҳам, Ватанни, Ўзбекистонни бошқача яхши кўрардилар. Ҳамиша эл-юрт ташвишида, яхши ниятлар билан яшадилар ва шу йўлда бор имкониятларини ишга солдилар. Шу билан бирга, Ватан ҳақида ҳам фақат хайрли дуо қилардилар, бу маънода у кишидек дуо қиладиган одамни кўрмаганман. Ҳар қандай вазиятда ҳам фақат яхшиликни кутар, гумонлари яхши, ниятлари яхшилик бўларди. Мана, у кишининг ўша пок ниятлари ўзлари ҳаётлик даврда ҳам, ўтганларидан кейин ҳам бирин-кетин амалга ошиб бормоқда.

У киши халқнинг илм-маърифатли бўлишини, ихтилофлар йўқолиб, диний савияси юксалишини, ёшларнинг илмга ошно бўлишини ният қилгандилар, буларнинг ҳаммаси амалга ошяпти. У киши диний соҳада эркинлик, раҳбарларнинг халқ билан яқин бўлишини истардилар. Ҳазрат ўзлари мавқелари қанча юксак бўлишига қарамай, оддий халқ билан ҳамиша мулоқотда бўлардилар, эшиклари ҳамма учун ҳамиша очиқ эди ва бошқаларнинг ҳам шундай бўлишини орзу қилардилар. Бугун мана шу ниятлари ҳам рўёбга чиқиб турибди.

Ҳазрат адашган кишиларга, айрим тоифаларга қарши даҳанаки олишувларни ёқламасдилар, балки уларга илм-маърифат билан, тақво билан қарши туриш тарафдори эдилар. У киши мана шу йўсинни бутун омма халққа ёйдилар ва бунда ўзлари етакчилик қилдилар. Халқнинг бирлиги, юртнинг тинчлигини таъминлашга жуда катта ҳисса қўшдилар.

Ҳазратнинг жуда кўп фазилатларига гувоҳ бўлганман. Фазилатларини санаб адоғига етиш қийин. Аммо менимча, ҳамма-ҳамма фазилатлари, хизматларининг замирида у кишининг ниятлари поклиги туради. Бирор ишда шахсий ёки моддий манфаатни кўзламасдилар. Шунинг учун йўллари ҳамиша очиқ бўлди, деб ўйлайман. Нима ишга киришсалар, ўша иш амалга ошиб, хайр-баракали бўларди. Жуда кўп кузатганман, бирор иш буюрсалар, уни қилишга киришар эканман, ҳаммаси ўз ўрнида, кутилгандан зиёда енгил кечарди.

Шу ерда бир воқеа эсимга тушиб қолди. Бир гал Қаршига бир маросимга бордик. Қайтаётганимизда йўлда аср вақти кириб қолди. Ҳайдовчи икки-уч бор «аср ўқиб олмаймизми?» деб тўхталаверди. Ҳаммаёқ қуп-қуруқ чўл, ҳеч бир шароит йўқ. Охири Ҳазрат сал зарда билан: «Сиз йўлингизга қаранг, ўзимиз айтамыз қаерда тўхташингизни», деб юбордилар. Мен хижолат тортиб кетдим. Ҳеч қанча ўтмай, чўлнинг ўртасида бир уй кўринди. Ҳазрат тўхташга ишора қилдилар. Тушиб, уйнинг кекса эгасидан намоз ўқишга жой сўрадик. Қария жойнамоз солиб, кутиб олди. Намозни ўқиб бўлишимизга дастурхон ёзиб, қозонда қайнаб турган, эндигина пишган шўрва билан бизни меҳмон қилди. У одам Ҳазратни танимас экан, аммо жуда самимий эҳтиром кўрсатди. Ҳазрат

у кишига жуда чиройли илтифотлар кўрсатиб, ҳақларига дуо қилиб, йўлда давом этдик. Бу ҳам ният ва ихлос поклигидан эди. Бир қараганда бу ҳол тасодиф туюлса-да, унда ўзига яраша ҳикмат бор. Бу Ҳазратнинг ишларини Аллоҳ Ўзи ўнглаб борганига кичик бир мисол эди.

Шайх ҳазратлари эл-юртга беқиёс хизмат қилган бўлсалар-да, бирор марта бирор тарафдан манфаат ёки ташаккур кутмадилар. Муфтий бўлганларида ҳам фақат холис, пок ниятда хизмат қилдилар, бойлик орттиришни ёки бошқа бирор шахсий манфаатни кўзламадилар. Мен ўзим идорада ишлаганим учун яхши биламан, ҳазрат Идорага ҳамма учун деб келтирилган нарсаларга ҳам қўл узатмаганлар, дунё нарсаларига қиё ҳам боқиб қўймасдилар. Ҳатто кимдир у кишига «Мана бу сизнинг улушингиз» дейишга ҳам ботина олмасди. Доғистон ва Чеченистон муслмонларига ҳам жуда кўп хизматлари сингган. Аммо ўшалардан ҳам бирор нима умид қилмадилар ва олмадилар ҳам. У киши ана шундай покдомонлик билан ҳаёт ўтказдилар.

Яна бир нарсани айтиб ўтгим келади. Ҳазратнинг ниятлари пок экани ҳақида сўзлар эканмиз, у киши ўзи аслида пок ниятларнинг меваси эканларини эслаб ўтишимиз керак. Отаоналарининг ҳам ниятлари соф экан, фақат холис ҳаракат қилган эканлар, мана шундай улуғ фарзандни халққа тақдим қила олдилар. Бу ҳам ибратли ҳолат, албатта. Аллоҳ таоло шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини, у кишининг ота-оналари, устозларини ҳам Ўз раҳматига олиб, гўзал мукофотлар билан тақдирласин. Қолганларимизга у кишининг йўлларида бориб, пок ният, пок йўлда собит бўлишимизни насиб этсин.

МЕН – ФОТИХ ТЕМУР!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ

**ХУРОСОННИНГ
ЖАНУБИГА АЗИМАТ**

Хусайн ибн Исҳоқ изоҳ қилди: «Ҳалиги эчки юнгларидадан айрилган тивитлардан «бўрк» деб аталадурғон тўқимани ҳосил қилурлар», деб бир парча матони олиб келиб менга кўрсатди. Матони қўлумга олиб тафтиш қилиб кўрдум: Самарқандда кўп сотиладурғон хитойи ипакдан (абришим ҳарир) латифроғ эди. Мен ўшал кунгача бу хилда мулойим ва латиф матони кўрмаган эдим, шу бир тоқанинг қиймати қанчага сотилишини сўраганимда «Ярим динор», деб жавоб берди. Нархи ҳам жуда арзон эди. Ишхонадан чиқишимда ҳамёнимдан тангаларни чиқариб, ҳар қайсиларига бир неча донадан олтун сундум. Улар бу атияни (туҳфа) қабул қилмадилар ва: «Эй улуг амир, сизнинг юзунгизни кўрмоқ биз учун олтун хазинасидан ортиқ қимматликдур. Биз ўз меҳнатимиздан қозонган жузъий нарсага қаноат қиламиз, ортуқчасига эҳтиёмимиз йўқ», дедилар. Ишхонадан чиқиб, нарироғда бўлган бир баққол дўкони олдида бир хотун киши савдо олиб турганига кўзум тушди. Боққол тарозуга қўлини тегузмай туруб: «Вайлул-лил мутаффифун. Аллазийна изак талу алан-носи йаставфуна», деб оят ўқуди. Мен боққолни, Қуръон ўқушни билмаса керак, деб хаёл қилур эдим. Хотун киши, савдосини тугатиб жўнагандан кейин боққолнинг олдига бориб: «Ўқиғон оятларингнинг маънисини би-

ласанми?» деб сўрадим. «Ҳа, биламан», деб жавоб берди. Ундоғ бўлса, «Вайлул-лил-мутаффифун»нинг маъноси нима?» деб сўрадим. «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсун», деганидир», деди. «Аллазийна изак талу алан-носи йаставфуна» маъноси-чи?» дедим. Баққол киши тамом истеъдоди билан жавоб берди: «Бу оятнинг маъноси аввалгининг такмилидур, Аллоҳу таоло айтадур: «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсунки, улар ўлчовни яхшилаб оладурлар, аммо...» деб тўхтади. Мен ундан «Аммо» демак ила тўхташдан мақсадинг нима?» деб сўрадим. Баққол: «Бу оятдан кейин яна оят бор, ҳали ўқуганим йўқ, унда мукамал маънони англатадур», деди. Мен: «Ўша оятни ҳам ўқугил», дедим. У бундай ўқуди: «Ва иза калу ҳум ав-вазану ҳум йуксирун». Сўнг шарҳ қилиб: «Бу оят иккинчи оятнинг такмиласидур, маъноси: «У одамларки, ўзлари бир жинс молни олганларида вазни тамомлаб тортиб олади, сотишда эса, вазн ёки ўлчовда кам бериб, олғувчига зиён беради», дейдур. Бу сурадаги уч оятни ўқувчи кишилар, бирибирига муттасил ўқишлари керак, токи ўқувчи ва эшитгувчилар унинг маъносини яхши идрок қилғайлар», деди. Мен унга: «Эй яхши киши, менинг ёшлигимдаги устозларим ҳам сен каби Қуръонни яхши тафсир қилолмас эдилар. Сен бу мавқеъда нима учун бу оятни ўқийсан?» деганимда, жавоб берди: «Эй амирлар амири, мен ҳар вақт қўлумга тарози олсам, Аллоҳу таолони ҳозиру нозир билиб, Аллоҳнинг махлуқларига нуқсон бериб қўймайин, деб бу оятни такрор-

лаб турадурман», деди.

Биз Хусайн ибн Исҳоқ билан қароргоҳимга борганда азон товуши келди. Шайх Хусайн мендан масжидга бориб намоз ўқуб келмоғига ижозат сўради. Мен ҳам бирга намоз ўқуб келиш учун унинг билан масжидга жўнадим. Кета туриб кўрдумки, дўкандорлар иш кийимларини ечиб, покиза кийимларини киймоқда. Ҳар ким покиза кийим кийгандан кейин масжидга қараб юрмоқда эди. Шаҳарда ўғри йўқлиги учун дўконлар ҳам очиқ ҳолда қолавермоқда эди. Масжидга кетиб турган бир дўкандордан: «Нима учун либосларингни алмаштириб, бошқасини кийдинг?» деб сўрадим. У одам бетўхтов сураи «Аъроф»дан бир оят ўқуди: «Йа бани Одама, ҳузу зийна-такум ўинда кулли масжидин ва кулу ва-шрабу ва ла тусрифу. Иннаҳу ла йўҳиб-бул мусрифин», деди. Мен у кишидан: «Оятнинг маъносини ҳам биласанми?» деб сўрадим. У менга тўғридан-тўғри: «Эй Одам фарзанди, ибодат қилмоқчи бўлганларингда, безакларингиздан истифода қилингизлар (яъни, покиза либосда бўлингизлар), Аллоҳ таолонинг неъматларидан енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар, чунки Аллоҳ таоло исроф қилғувчиларни севмай-дур», - деди.- Бу оятга мувофиқ Аллоҳ

таолонинг таълимини амалга ошуруб, масжидга боришимизда янги либосларимизни киямиз ва шу тартибда Аллоҳ таоло ҳузурига бориб ибодатимизни қиламиз». Мен унга қараб: «Менга яхши дарс бердинг, гарчи мен ҳофизни қуръон ва фақиҳ бўлатуриб, сизлар каби амал қилмас эканман. Сен бу ҳақда мени огоҳлантириб қўйдинг,- деб шайхга му-рожаат қилдим: -Эмди мен қароргоҳга қайтиб бориб, либосларимни алмашти-раман. Балки жамоатингизга етиб ке-лолмасам, уйда ўқийдурман», деб узр тиладим. Қароргоҳда ҳануз мутаҳаррак масжидим қурулмаган эди. Либосла-римни алмаштириб уйда намоз ўқудум. Менга бу шаҳар халқининг Ислом дини амрларига мувофиқ ҳаракат қилишлар-и кўп таъсир бергани учун яна таш-қарига чиқдим. Йўлда кета туриб, бир атторнинг дўкони олдидан ўтар экан-ман, унинг: «Ва-авфул кайла иза кил-тум, вазину бил-қистасил мустақийм...» деганини эшитдим. Таажжубда қолган-нимдан ўзумни тута олмадим ва ундан: «Қистас»нинг маъносини биласанми?» деб сўрадим. У киши айтди: «Қистас» тароздур. Аммо оятнинг мажмуидан шундай маъно чиқади: «Ҳар қачон ўлчов билан бир нарса сотсангизлар, ўлчов-нинг комил бўлишига диққат қилинглар.



Агар тарозу билан тортиб сотадургон нарса бўлса, икки палласи баробар бўлган тарозуда тортиб сотинглар», демак бўладур», деди. (Форсий мутаржим изоҳи: қизиғи шулким, бу таъбирга етти аср ўтган бўлса ҳам, ҳалигача тарозуда адл калимасининг истилоҳи Хуросонда юруб турадур. Адл тарозуси икки палласи мувозанатда баробар демақдир.)

Шаҳар халқининг дини мубораққа ихлослик бўлуб, Қуръони Карим амрига мувофиқ ҳаракат қилмоқ учун лойиқ бўлган илмдан баҳраманд бўлишлари менинг диққатимни жалб этган нарсалардан бири бўлса, хотунлар ҳам эрлардан қолушмас, Қуръонни ўқуб-ёзар эдилар. Ором ва истироҳатдан бошқа вақтларда хотун, эркак бекор турмай бир иш билан машғул бўлур эдилар.

Шайх Ҳусайн ибн Исҳоқ ҳикоя қилдики: «Мен эс таниганимдан буён Бушравияда ўғирлик майдонга келмаган, одам ўлдурган киши ҳам йўқдур. Ёки икки одам ўртасида жанжал чиқиб, товуш чиқариб сўзлашган-сўкишганини хотирлай олмайман. Талоқ масаласи ҳам ҳозиргача воқеъ бўлмагандур. Ворислар мол талашиб даъволашмагандек, бирининг молини бири ғасб этиб ҳам олган эмасдур. Шаҳарда қоровул, қамоқхона, қозихона ҳам йўқдур. Бирор масала бўлса, менга келишадур, мен берган фатвони муорисасиз қабул қилиб айрилишадур».


Шайх Ҳусайн ибн Исҳоқ ҳам деҳқончилик қилур эди. Ҳар кун бомдоддан кейин кетмонини елкасига қўйиб ишга кетар, пешин намозига келиб, жамоат билан намозни ўқуғондан кейин яна далага кетар эди. Шаҳар халқи ёш бўлсун, катта бўлсун, эркак-хотун ўқиш учун махсус вақт айириб қўйган эди. Саҳро гиёҳларида кетро, анқуза деган икки хил гиёҳнинг кўп хавослари (хосиятлари) борлигини сўзлар эдилар. Яна, қоранглик ёғни Бушравиянинг ғарбидаги йигирма тошлик бир еридан келтириб чироф ёқмоққа қўлланур эдилар. Бу ёғ

билан ёндирилган чироғлар яхши равшанлик берар эди. Бу ёғ ердан чиқиб, ариғ каби саҳрода оқиб турармиш. Офтобнинг таъсири билан унинг бўйи узоқларга тарқалармиш (Бу таъриф қилинган ёғ бугунги нефть бўлса керак).

Қиш вақтининг яқин келиши, қўшун тортмоқ, иқтизосинча, Бушравияда узоқ турмоқ ижоб этмас эди, шунинг учун бу шаҳарнинг фазли маърифатлари, ширин суҳбатларида давом этмоқ муяссар бўлмади. Бу шаҳарда тургувчи одамга мадраса, мударриснинг ҳожати йўқ эди. Амир бўлсун, деҳқон бўлсун, чўпон бўлсун ва ҳар қандай савияда бўлса бўлсун, бу ерда яшаш билан фозилу маърифатлик бир киши бўлуб етишар, Қуръонни ўқуб, ашъорларни айтиб ва ўқуб била олур эди. Бушравиядан жўнашимдан илгари бир фармон чиқардим: «Темур хонадонига мансуб ҳукуматлар яшадикча бу шаҳардан хирож олинмайдур». Шаҳарга «Дорул илми вал омон» унвонини бердим. Ва махсус таъкидладимки: «Мендан кейин авлодларим ҳар қандай сабаб ва баҳоналар билан Бушравияга ҳамла қилмайдур». Жўнаш вақтимда Шайх Ҳусайн ибн Исҳоқга бир от бағишладим. У шу биргина отни ҳам қабул қилиб олмоққа тортинди ва кўп узрлар билан: «Эй амир, биз эшак миниб одат қилгандурмиз, шу улоғ бизга кифоя қиладур», деди.

Бушравиядан Қойинга қараб жўнадим. У ерда турган бир амир бор эди. Унинг итоатиға итминон ҳосил қилишим (хотиржам бўлишим) лозим эди. Уч кун йўл юрганимиздан кейин бир шамол юришга бошлади. Мен, куз фаслининг шамолидан, деб хаёл қилдим. Аммо бир оздан кейин қаттиқ тўфонга айланди, ҳаво қоронғулашиб, отнинг туёғи кўрунмай қолғони учун, ночор шу ерда таваққуф қилдим (тўхтадим).

Абулқосим Абдураҳим УЧҚУН
таржимаси.
(Давоми бор)



Доктор ОИЗ ҚАРНИЙ

ЎҚИНМА!

АЛЛОҲ БЕРГАНИГА РОЗИ БЎЛИНГ, ОДАМЛАРНИНГ БОЙИ БЎЛАСИЗ

Бунинг учун биринчи қадам – ўзингизга берилган тана, мол-давлат, бола-чақа, бошпана ва қобилиятга рози бўлишингиз ҳамда қаноат қилишингиз лозим. Чунки Қуръони карим шунга буюради: “Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр қилувчилардан бўл!” (Аъроф, 144).

Салаф олимлар ва илгари яшаб ўтганларнинг кўпи камбағал бўлишган. Уларда турли буюмлар, ҳашаматли уйлар, уловлар ва хизматкорлар бўлмаган. Шунга қарамай, улар ҳаётда бойлардек беҳожатлик билан яшаб, бошқаларни бахтиёр қилишган. Чунки улар Аллоҳ ато этган яхшиликларни тўғри йўлга йўналтира олишган. Натижада уларнинг умрлари, вақтлари ва қобилиятларида барака бўлган.

Аммо бу муборак қатламга қарама-қарши ўлароқ мол-дунё, бола-чақа ва бошқа турли неъматлар ато этилган бир тоифа бор, бу неъматлар уларни бахтсиз ва тубан қилди. Чунки улар соғлом фитратдан ва ҳақ йўлдан оғди. Демак, натижани у неъматлар белгиламайди. Яъни, неъматнинг ўзи ҳам ҳеч нарса эмас.

Дунёнинг ҳамма жойида ўтадиган дипломларни кўтариб олганларга боқинг. Аслида уларнинг дипломлари ҳам, онги ва таъсир доираси ҳам жуда арзимас. Аммо, айна чоғда айрим билими чегараланган кишилар бор, улар бу озгина билимини ўзгаларга манфаат етказишга, ислоҳот ва бунёдкорликка сарфлаб, гўё кичкина ариқни серсув дарёга айлантирган.

Агар сиз бахтли ҳаёт хоҳласангиз, Аллоҳ берган жисмингизга, оилавий аҳволингизга, овозингизга, англаш қобилиятингизга ва келаётган даромадингизга рози бўлинг. Баъзи зоҳид мураббийлар: “Эришганингдан озига ва интилганингдан пастроғига рози бўл!” дейишади.

Сизга дунёдаги насибалари чегараланган, аммо ўзлари ўрнатқан бўларли ёрқин шахслардан айримларини танитаман:

Ато ибн Абу Рабоҳ ўз замонасининг тенгсиз олими бўлган. Бироқ бурни пучуқ, шол, жингалак сочли қора қул эди.

Аҳнаф ибн Қайс араблар ичида жуда ҳалим, озгин жисмли, букри, оёғи қийшиқ, тузилиши заиф зот эди.

Дунё муҳаддиси Аъмаш қул, кўз нури заиф, ўта камбағал, жулдур кийимли, кўриниши ва уйи бир аҳволда бўлган.

Пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) барчалари қўй боқишган. Довуд алайҳиссалом темирчи, Закариё алайҳиссалом дурадгор, Идрис алайҳиссалом тикувчи бўлган. Улар инсонлар орасидан танланганлари ва башариятнинг энг афзаллари эдилар.

Шундай экан, сизни иқтидорингиз, солиҳ амалингиз, ўзгаларга манфаатингиз ва хулқингиз қадрли қилади. Йўқотган чиройингиз, бой берган молингиз ва аҳли-аёлингиздан афсусланманг. Аллоҳнинг тақсимига рози бўлинг. “Уларнинг ҳаёти дунёдаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз” (Зухруф, 32).

ЎЗИНГИЗГА КЕНГЛИГИ ЕРУ ОСМОНЧАЛИК БЎЛГАН ЖАННАТНИ ЭСЛАТИНГ

Бу дунёда оч ва чорасиз қолсангиз, хафа бўлсангиз, касалга чалинсангиз, ҳуқуқингиз паймол этилса ёки зулм кўрсангиз, ўзингизга етган неъматларни эсланг. Албатта, сиз мана шундай эътиқод билан амал қилсангиз, зарарларингиз фойдага, балоларингиз тухфага айланади.

Инсонларнинг энг ақллиси охираат учун амал қиладиганлардир. Чунки охираат яхши ва боқий қолувчиروқдир. Халойиқнинг энг аҳмоғи бу дунёни қароргоҳ ва орзуларининг чўққиси деб ҳисоблайдиган кимсалардир. Мусибат пайтидаги энг сабрсиз, турли ҳолларда энг надоматли кишилар ана ўшалардир. Чунки улар ҳақир, арзимас дунёни чин дунё деб ўйлайди. Кўзлари фақат бу ўткинчи дунёнигина кўради. Ундан бошқасини фикрлай ҳам олишмайди. Ундан бошқасини ўйлаб ҳам кўрмамайди. Шоду хуррамликлари тугаб битишини хоҳламайди.

Агар улар қалбларидаги тўсиқни олиб кўзларидаги жаҳолат тўрларини йиртиб ташлай олса эди, ўзларини абадий ҳаёт, унинг неъматини, уйлари ва қасрларида ҳис қилиб, ваҳий хитобидаги тегишли васфларга қулоқ тутиб эшитишар эди. Аллоҳга қасамки, жаннат жуда аҳамиятли, ғайрат ва курашишга арзирли диёрдир.

Биз ўзи жаннат аҳлини касал бўлмаслиги, хафа бўлмаслиги, вафот этмаслиги, беғубор ёшлиги тугаб қолмаслиги, кийими чиримаслиги, зоҳири ботинидан ва ботини зоҳиридан кўринадиган хоналари борлиги, у ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва инсон қалби ҳис қилмаган нарсалар борлиги, йўловчи дарахтлар орасида юз йил юрса ҳам, тугата олмаслиги, у ерда олтмиш мил узунликдаги чодирлар борлиги, анҳорлари узлуксиз оқувчи, қасрлари баланд, мевалари яқин, оқар булоқлари,

кўтарилган сўрилари, тизилган қадаҳлари, тизиб қўйилган ёстиқлари, тўшаб қўйилган гиламлари, хурсандчилиги мукамал, шодлиги улкан, ҳидлари таралувчи, васфи улуғ, орзуси энг юқорида эканини узоқ муддат фикрлаганмизми? Ақлимизга нима бўлганки, фикр юритмаймиз?! Бизга нима бўлдики, мулоҳаза қилмаймиз?!

Модомики, оқибат ана шу неъматлари зикр этилган жаннат диёрида бўлар экан, мусибатга чалинганлар учун ўша мусибат энгил бўлиб, аламзадалар кўзлари қувониб, йўқсиллар қалблари хурсанд бўлади.

Эй камбағалликдан эзилганлар, камчиликдан тинкаси қуриганлар ва мусибатга дучор бўлганлар, жаннатда истиқомат қилиш ва исмлари муқаддас Зот Аллоҳга қўшни бўлиш учун солиҳ амалларни қилишга киришинг. “(Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) *сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли* (энди бу жаннатларда) *сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши*” (Раъд, 24).

“СИЗЛАРНИ “ЎРТА УММАТ” ҚИЛИБ ҚЎЙДИК”

Адолат ақлий ва шаръий жиҳатдан талаб этилади. У чуқур кетиш, шафқатсизлик, ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўйиш эмас. Ким бахтли ҳаётни хоҳласа, ҳиссиёт ва эҳтиросларини қўлга олиши лозим. Розилигию ғазабида, хурсандчилигию хафалигида адолатли бўлсин. Чунки воқеа ҳодисаларга муносабатларда ҳаддан ошиш ва чегарадан чиқиш нафсга зулмдир. Ўртачалик қандай яхши.

Шариат ҳам ўлчовни жорий қилган. Ҳаёт ҳам адолат устига қурилган. Ҳавою нафсига бўйин эгиб, ҳиссиёт ва майлларига таслим бўлганлар энг жонсарақ кишилардир. Улар наздида воқеъа ва ҳодисалар катталашиб, асосий фикри қоронғулашади. Унинг қалбида гина-кудурат, турли ички кечинма ва адоватдан иборат даҳшатли жанг содир бўлади.

Чунки бундай кишилар ваҳима ва хаёллар ичра яшайдилар.

Ҳатто баъзилари хаёлида атрофидаги бор кимса унга қарши иш олиб бораётгандек бўлаверади. Бошқалар унга қарши фитна уюштираётгандек. Ваҳима унга “Бутун дунё сени пойлаб турибди”, деб уқтиради. Шунинг учун у хавф ва ғамдан иборат бўлган қора пардалар ичида яшайди.

Уйдирмалар шаръан ман этилган, аслида ҳам арзимас нарсалардир. Олижаноблик ва раббонийликдан баҳрасиз кишиларгина уйдирмага берилади. “*Улар ҳар бир қичқириқни устларига* (тушаётган бало ва офат деб) *гумон қиладилар. Улар душмандирлар*” (Мунофиқун, 4)

Кўнглингизни хотиржам қилинг, чунки, даҳшатли ишлар доимо содир бўлавермайди. Бундан ташқари, сизда кўрқинчли ҳолатлар содир бўлишидан олдин уларнинг энг даҳшатли кўринишини тасаввур қилиш, сўнгра ўша ҳолатга ўзингизни тайёрлаш имконияти бор. Шу тарз юракни эзувчи воқеалар содир бўлмасидан олдин руҳий эзилишлардан нажот топасиз.

Эй ақлли, доно киши, ҳар бир нарсани ўз ҳолича баҳоланг. Воқеа-ҳодиса ва муаммоларни катталаштирманг. Балки уларни кичиклаштиринг, адолатли бўлинг, ҳақсизлик қилманг. Қалбаки ваҳималар, ёлғончи саробларга учманг. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дўстингни ўртача яхши кўргин. Бир кун келиб у душманинг бўлиб қолиши мумкин. Душманингни ўртача ёмон кўргин. Эҳтимол, бир кун келиб у дўстинг бўлиб қолиши мумкин” деган ҳадисларидаги муҳаббат ва нафрат таразусига қулоқ тутинг! “*Эҳтимол, Аллоҳ сизлар билан сизлар душман тутиб юрган кимсалар ўртасида* (уларни Исломга киритиб) *дўстлик пайдо қилиб қўяр. Аллоҳ* (бундай ишларга) *қодирдир. Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир*” (Мумтаҳана, 7). Кўп ваҳима ва уйдирмалар асоссиз нарсалардир.

Араб тилидан таржима қилинди.



Ахмад МУХАММАД

Соҳилсиз денгиз

(Тарихий асардан боблар)

“Бухорийнинг ҳажга
биринчи сафарлари
ҳижрий
210 санада эди, у
зот ўшанда ўн олти
ёшда эдилар”.

**Ҳофиз Ибн Ҳажар
Асқалоний**

...Бир ҳафта деганда Ҳафжи бандаргоҳига келиб тушишди. Бу ердан Маккага бориш учун ҳам камида яна уч ҳафта йўл босиш керак. Мана шу йигирма кунлик йўл ҳаммасидан ҳам оғир ва қийин кечди. Нукул кимсасиз, гиёҳ ҳам ўсмайдиган тақир саҳродан юришга тўғри келди. У ер-бу ерларда қип-қизил тошдангина иборат яйдоқ тоғчалар кўриниб қолади. Ниҳоят, Аллоҳнинг лутфу инояти билан йигирма биринчи куни тонг оқараётганда Маккага кириб келишди. Кумликлар ўртасида қад ростлаган баҳайбат қора Уй узоқдан баралла кўриниб турарди. Бироз нафасларини ростлашди. Ҳаммининг юзида мамнунлик ва сурур, қалблар буюк бир воқеани кутиб, ҳаяжонда...

Қуёш эринибгина кўтарилар экан, каъбапўшнинг ялтироқ ипаклари унинг нурларида сирли жилоланади. Кеча кун бўйи осмондан ёққан жазирама оловда ҳолдан тойган шаҳар субҳидамдагина бир қур эсадиган ёқимли сабодан аста ўзига келмоқда.

Шаҳарга кириш олдидан Муҳаммад хачирдан тушди. Оҳиста юриб бориб, ерга чўккалади ва иссиғи ҳали кетиб улгурмаган қумлоқни ажиб ихлос ва муҳаббат билан силаб қўйди. Кейин қўлларини жуфтлаб юқорига кўтарди, кўзда ёш билан аҳли Ислом учун энг табаррук шаҳарга салом берди:

– Ассалом, Аллоҳ назар қилган, Ўзининг Байти учун танлаган Уммулқуро!¹ Ассалом, охирги Пайғамбарнинг киндик қони тўкилган муборак шаҳар! Ассалом, Аллоҳ таолонинг илк ваҳийлари инган, Ислом билан биринчи бўлиб шарафланган табаррук шаҳар! Сенинг ҳар бир қарич еринг, ҳар бир тошинг, ҳар бир бута-дарахтинг барчамизга азиз ва суярли, кўзга суярли, ардоқли! Сенинг бирор овлоқ гўшанг йўқки, ўша жойга охирзамон Пайғамбари, оламларга раҳмат ўлароқ юборилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак қадамлари тегмаган бўлсин! Сенда қанчалаб содиқ саҳобаларнинг, буюк фотиҳларнинг, атоқли олимларнинг, улуғ валий зотларнинг ҳоки сўнгги маконини топган. Сен дунёдаги барча мусулмонлар ҳаммиса талпинадиган, сенда бўлишни, сени кўришни, сенда юришни орзу қиладиган шарафли шаҳарсан! Улуғ салафларимизнинг аксарияти Хижоз ерларига илк қадам қўйишганда

¹ “Шаҳарлар онаси” дегани. Асосан Маккаи мукаррамага нисбатан ишлатилади.

сенинг тупроғингни ардоқлаб-эъзозлашар эди. Мен ҳам шу анъанага кўра сенинг заминингга муҳаббатимни, садоқатимни изҳор этяпман! Мени бағрингга ол, менга ватан бўл, ўзингда тўпланган илмлардан мени ҳам баҳралантир! Эй Аллоҳим, фазлинг билан менга раҳмат эшикларини очгин!

...Бир ой кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Она ва икки ўғил эҳромга кириб, аввал умра қилишди. Сўнг Муҳаммаднинг таълимини топширишга устоз дараклашга киришишди. Хуросондан бориб, Макканинг чекка бир мавзеъида туриб қолган Абдуллоҳ ибн Язид Муқрийни сўроқлаб топишди. Қадбаланд, қиррабурун, озгин танали, мулозаматни унча хушламайдиган мударрис бошда нотаниш ҳамюртларнинг илтимосига кўнмай, бироз тайсаллаб турди. Айниқса, аёл кишининг “ўғлининг таҳсили учун бу олис ва машаққатли сафарга чиққани” уни ишонқиратмай, кўнглида шубҳа-гумонлар пайдо қилган эди. Охири аёлнинг ҳавас қилгулик қатъияти, кўзлари одамга шавқ ва тавозеъ аралаш боқадиган боланинг ҳавасланарли жидду жаҳдига амин бўлгач, у Муҳаммадни олиб қолмасликка ортиқ баҳона топа олмай қолди. Шундан кейингина хотиржам бўлган учовлон янги устоздан бир ҳафтага ижозат олиб, ҳаж қилишга киришишди.

Яна қайта эҳромга киришди. Тилда “талбия” билан тўғри Байтуллоҳ сари юришди. Муҳаммад онасини етаклаб олганча унга ҳаж нусукларини эринмай тушунтириб боради. Аҳмад билафон укасининг ҳар бир сўзини ютоқиб, қизиқиб эшитади. Каъбани етти бор тавоф қилиб, Мақоми Иброҳимда икки ракат намоз

ўқишгач, Муҳаммад онасининг толиққанини сезди. Оппоқ эҳромдаги беҳисоб зиёратчиларнинг туртиш ва шоширишларидан ихоталаб, уни четроққа бошлади. Шундоққина қум устида Каъбага қарата қурилган, томига хурмо шохлари босилган айвонга киришди. Бу ерда қуёшнинг жон олғувчи иссиғидан бир оз нафас асраш учун кирган ҳожиларнинг кўплигидан оёқ қўйгани жой топилмайди. Баъзилар намоз ўқиётган, бошқалар тик туриб дуо қилаётган, айримлар шунчаки Каъбага тикилганча тафаккур қилаётган...

– Онажон, рўпарангиздаги мана бу тошдан бино қилинган чорқирра Каъба Аллоҳнинг Уйи – Байтуллоҳдир! Инсоният тарихи унинг салкам уч минг йил аввал Аллоҳ таолонинг амрига кўра «пайғамбарлар отаси» Иброҳим алайҳиссалом ва унинг ўғли Исмоилнинг бино қилганига гувоҳлик беради. Аллоҳнинг Байтини етти марта айланиш шунчаки бир ҳаж аркони ёки рамзий маросим эмас. Инсонлар Байтуллоҳни тавоф қилиш орқали дунё ҳаётида билиб-билмай қилган гуноҳларини авф этишини сўраб, Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига бош уриб келганларини, У Зотдан мағфират, раҳмат сўраш учун даргоҳида тавозеъ ва ҳоксорлик билан қилаётган ибодатлари, итоатларини изҳор этадилар. Шу боис Аллоҳга ибодат қилиш ниятида келган эркагу аёл, ҳукмдору фуқаро, оқу қора минглаб мусулмонлар уни айланиб, тавоф қилиб, Аллоҳга итоатлари ва бандаликларини изҳор қилишади. Каъба ва у жойлашган ушбу ҳудуд Аллоҳнинг Ҳарами, эҳтиромга сазовор ери, ҳар қандай ёмонлик, ҳаққа ҳар қандай тажовуз тақиқланган инсониятнинг мада-

ният-маърифат ўчоғидир. Унинг марказидаги Каъбаи муаззама инсонлар учун қурилган илк ибодат масканидир. Ҳазрати Одам алайҳиссалом Момо Ҳаввони шу ерда топдилар, йўқотган жаннатларига шу ерда етишдилар. Бобокалонимиз ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом, у зотнинг завжалари Ҳожар ва ўғиллари Исмоил алайҳиссалом шу ерда Аллоҳ таолонинг оғир синовидан шараф билан ўтдилар. Охирзамон пайғамбари ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсониятга қаратилган сўнгги илоҳий хитобни шу ерда қабул қилиб олиб, уни ер юзига тарқатдилар.

Тавофни тугатгач, Сафо ва Марва сари юришди. Улар орасида етти мартадан саъй² қилишди, ҳазрати Ҳожарнинг сув топгандаги қувончини юракдан ҳис этиб, тўйиб-тўйиб замзам сувидан ичишди. У ерда ҳам Муҳаммад онасига қилаётган ибодатларининг моҳият-мазмунини тушунтира бошлади:

– Муҳтарама онажоним, энди нега саъй қилаётганимиз ҳақида гапириб берай. Ҳожар қучоғидаги чақалоғи – ҳазрати Исмоил алайҳиссалом учун сув излаб, икки тепалик – Сафо ва Марва ўртасида бир неча бор югуриб бориб-келганлар. Саъй – қоратанли жория бўлган Ҳожарнинг бутун инсониятга ибрат ўлароқ буюк таваккули, фидойилиги рамзи саналади. Аллоҳ таоло Ҳожарнинг ҳаракатларини ҳусну қабул этиб, то қиёматга қадар мўминларга шу амални ўрнак сифатида ибодат қилиб берган. Саъй пайтида ҳар бир ҳожи қалбида сақлаб юрган эзгу тилакларини

² Масжидул-Ҳаром ҳудудидаги Сафо ва Марва тоғчалари ўртасида шитоб билан ҳаракат қилиш «саъй» дейилади.

айтиб, Каъбага юзланиб, Роббига дуолар қилади.

Фотима ўғлининг шу гапидан кейин шошиб қўлларини дуога очди. Чин дилдан, ихлос билан, тўлқинланиб Парвардигорига илтижо қилди: “Эй пок Парвардигор, ҳукмда танҳо Аллоҳим! Сендан ўзга маъбуд йўқ, фақат Сен борсан! Ўғлимни Сенинг розилигингни истаб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига хизмат қилиши учун ушбу мукаррам шаҳрингда қолдиришни ният қилдим. Сен барча ҳожатмандларнинг тилакларини рўёбга чиқарувчисан, менинг ҳам дуоларимни ижобат этиб, орзу-мақсадимга етказ! Ўғлимга илм талабида сабр, қатъият ва тавфиқ ато қил!”

Кейин она ва икки ўғил бошқа ҳожиларга қўшилиб, пиёда Мино водийга қараб йўлга тушишди. Тумонот одам: оқу қора, бою камбағал, аслзодаю аъробий, эркагу хотин, ёшу қари – ҳамма Минога талпинади. Ўша ерда Арафотга чиқиш олдидан бир муддат яшаб туришди.

Сўнг улар ҳам ҳожиларга қўшилиб, Арафотга жўнашди. Арафотда туриш – маҳшарнинг бу дунёдаги кичик бир кўринишида ҳозир бўлишдир. Ҳақиқатан бировнинг бошқаси билан иши йўқ. Ҳамма буюк бир ибодат ўрни сари талпинади. Ҳажнинг энг муҳим арконларидан бирини бажариш, куннинг бир қисмида Арафотда туриш илинжи ҳаммани ўша ерга чорлайди. Юришга ярамайдиганлар улов ахтаришга тушди. Фотима савоби кўпроқ бўлишидан умидворлик ортидан, фарзандлар ўтинчига биноан пиёда жўнашга рози бўлди. Йўл-йўлакай Муҳаммад онасига ҳаж арконлари ҳақида яна тушунча бериб боради:

– Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам «Ҳаж – Арафотдир» деганлар... Арафотга қадам босмаган, ҳеч йўқ бир неча лаҳза унда турмаган киши ҳаж қилмаган ҳукмидадир. Ҳажнинг энг муҳим фарзи бўлмиш Арафотдаги вақфада ҳар ким ўз ҳолатини чуқур мушоҳада қилади – қаерда турганини, қандай яшаб ўтганини, қалбининг аҳволини сарҳисоб этади. Арафот турли ирқ, мақом ва миллатдаги мўминларнинг Яратганга қуллик қиладиган масканидир. Саҳиҳ ривоятларда келишича, Арафотда турган ҳожи дуоим мустажоб бўлдимикин, деган шубҳага борса ҳам гуноҳкор бўлади, яъни бу ерда дуоларнинг ижобат бўлишига ҳатто шубҳа қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳижратнинг ўнинчи йили Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаж қилиб, Арафотда дунёнинг тўрт томонидан келган бир юз йигирма минг ҳожи ҳузурида оламшумул Вадо хутбаларини қилганлар. Арафотда Қуръони каримнинг нозил бўлиши ниҳоясига етган. Ўшанда яҳудийлар Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб, «Сизлар бир оятни ўқийсизлар, агар ўша оят бизга нозил бўлганида, буни байрам қилиб олган бўлур эдик», дейишди. «Мен ўша оятнинг қачон, қаерда, қандай нозил бўлганини биламан. Аллоҳга қасамки, бу арафа куни бўлиб, биз ҳам Арафотда эдик», деганлар ҳазрати Умар. – Бу «Бугун динингизни мукамал қилдим, неъматларимни бенуқсон, тўлиқ қилиб бердим ва сизларга Ислом динини танладим» деган ояти³ карима эди.

(Давоми бор)

³ Моида сураси, 3-оят.



Қарғиш олган одам

Қарғиш – ёмон дуо. Инсоннинг руҳига, жисмига, оиласи-ю бола-чақасига зарар етказиши мумкин. Қарғишдан қўрқиш керак. Айниқса, етимнинг, мазлумнинг, фақирнинг қарғишидан эҳтиёт бўлган маъқул. Олқиш олиш эса бошқа гап. Олқишланиб, мақталиб яшаш нақадар яхши. Олқиш кўнгилни ўстиради. Мақтов ҳаммага хуш ёқади. Олқиш руҳга қувват беради. Бунинг тескариси – қарғишдан ҳар кимнинг асаби-кайфияти бузилади. Тинчлиги йўқолади. Бзовталиги кучаяди. Кўнглига минг хил шубҳа-гумонлар оралайди. Қилаётган ишида унум бўлмай, ҳаловати қочади. Иши юрмагани устига устак одам маънавий жарликка қараб кетаверади.

Эҳтимол қарғиш урган одамларни, оқ қилинган фарзандларни сиз ҳам эшитгандирсиз ё ҳаётда кўргандирсиз. Бировдан қарғиш– баддуо олиш, айниқса, ота-онани норизо қилиб,

уларнинг қарғишига қолишнинг оқибати жуда ёмон.

Қарғишнинг кўлами турлича бўлиши мумкин. Бу оламдаги ножойиз амаллари боис қарғиш улкан бир

қавмга тегиши инсоният тарихида бор гап. Аллоҳнинг қарғиши боис Лут қавми ҳалокатга йўлиқди.

Қарғиш теккан одам – бу ёмон тилаклар эшитиб жазоланган, лаънатга қолган одамдир. Қарғишлар моҳиятида иккинчи бир шахсга йўналтирилган ният-истаклар жамланади. Шунга кўра лаънатлашга яқин туради. Биласизки, лаънат айтиш, бировларни лаънатлаш гуноҳи кабиралар (катта гуноҳлар) сирасига киради. Шу маънода ўринсиз бировни қарғашнинг оқибати яхши эмас. Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинадики: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: “Агар банда бирон нарсани лаънатласа, лаънат осмонга кўтарилади. Бироқ осмон эшиклари унинг қаршисига ёпилади. Сўнг ерга қайтади. Бироқ унинг қаршисида ер эшиклари ҳам ёпилади. Кейин ўннга-сўлга юради. Агар бирон имкон (қўнимгоҳ) топмаса, мабодо лаънатланган киши муносиб бўлса, унга қайтади. Муносиб бўлмаса, айтган одамга қайтади” (Имом Ҳофиз Шамсуддин Заҳабий. “Гуноҳи кабиралар” китоби, 131-бет). Шунга қиёсан қарғиш қарғовчининг ўзига қайтиши, ўзини уриши ҳам мумкин. Зотан, халқимизда ножойиз қарғишларга нисбатан: “Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин”, деган қарғишқайтаргич бир ибора ҳам бор. Воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни, жонли мавжудонларни билиб билмай, жаҳл устида ноўрин қарғаш дуруст эмас. Дейлик “Эй номард табиат” ёки “Эй бемаъни ёмғир” каби хитоблар давомидан “фалон-фисмадон бўлгин” тарзидаги таъбирлар ўринли саналмайди. Дуоибадга яқин бу ҳолатлардан эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки тарихдан маълумки, бир

куни саҳобалар келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Исломдан юз ўгирган Давс қабиласини дуоибад қилишларини сўраганларида, у зот алайҳиссалом ўша қабила-ни дуоибад этиш ўрнига, уларга ҳидоят тилаб дуо қиладилар.

Қарғиш олган одам, агар тафаккур эгаси, эсли-хушли бўлса, не сабабдан қарғишга қолганини ўйлаб юради. Юрмаётган иши, ўнганмаётган тирикчилигининг сабабини ўз нафсидан излайди. Ҳаёт йўлининг қайсидир бекатида кимнингдир дилига озор етказган ёки ўзидан қандайдир хатолик ўтган бўлади. Аслида қарғиш теккан одам ўзини ошкор қилиб, бировларга дардини дoston қилиб юрмайди.

Аммо ҳаётда шундай одамлар ҳам бўларканки, қилмишига яраша жазо тортганини тан олиб, ибрат учун баъзан бировларга сўзлаб ҳам бераркан. Шундай воқеалардан бирини Хуршид ака айтиб берди.

Воқеа: У замонларда “Фан ва турмуш” журналида ишлар эдим. Ораорада “Ўткан кунлар” мутолаасига берилиб кетардим. Ёнимизда Илҳом ака (Худо раҳмат қилсин) ўтирар, “Ўткан кунлар”дан гап очилгудек бўлса, мутлақо бошқа одамга айланар, меҳри товланар, романдаги бирор эпизодга эътироз билдириб суҳбатлашиши одамга мароқ бағишлар, айниқса, баҳслашиб қолинса, у кишини енгиб бўлмас эди. Роман воқеаларининг бутунлиги, Абдулла Қодирийнинг ўзию энг яқин кишиларига айланиб қолган асар қаҳрамонлари ҳимоясига бутун вужуди билан киришиб кетар эди. Баъзида қитмирлик қилиб ҳам, ўринлими-ўринсизми, ё гап олиш учунми бир-бир савол бериб, романдаги айрим нуқталардан

гап очиб қўяр эдим. Ана шундан кейин қизишган Илҳом акани тамошо қилаверинг. Ҳеч эринмай, сўзма-сўз, жумлама-жумла, ёниб-куйиб ёд бўлиб кетган романни тушунтиришга киришиб кетардилар.

Илҳом ака уруш қатнашчиси, оёғи панжаларидан ногирон эди. Зотан, бу ногиронлик ҳам бевосита романга боғлиқ ҳодисадир. Илҳом аканинг мактаб даври уруш йилларидан сал аввалга тўғри келган экан. Роман таъқиқланган замонлар. Аммо мактаб ўсмирлари синфдош бир қиз олиб келган, арабий имлода ёзилган ягона нусха романни яшириб, ютоқиб навбатма-навбат, қўлма-қўл ўқишаркан. Илҳом ака ҳам ўқибди. Навбат бошқаларга етибди. Аммо бу нодир асарни ўзиники қилиш фикри Илҳом акага тинчлик бермабди. Роман синфда айланиб юрибди. Шу орада шайтон васвасасими ё китобга муҳаббатми, баҳарҳол, танаффус пайти Илҳом ака романни секин “ўмарибди”лар. Ана энди томоша. Китоб эгаси – қиз бечора йиғлаган-сиқтаган. Лекин бирор “катта”га арз қилиб, овозини баландлатиб кўрсин-чи, ҳоли нима кечаркин? Китоб эгаси – бечора қизнинг қўлидан нима ҳам келарди? Норизо одамнинг, энг нодир бир нарсасидан ажралган кимсанинг қўлидан нима келади? Қарғиш! Иложсиз одам қаттиқ қарғанади. Юракдан қарғанади. “Ким олди “Ўткан кунлар”ни”? Қайта ва қайта унсиз сўрайди, атрофга жавдирайди. Илтижоли, умидсиз кўзлардан маржондек ёшлар тинимсиз қуйиладилар. Аммо бирорта синфдошдан садо чиқмайди. Шу жумладан Илҳом акадан ҳам. “Оқ туя кўрдингми? Йўқ”.

Хуллас, бечора қиз ёшли кўзлари билан бир қарғанади. “Олган қўлла-

ри узилсин. Оёғи синсин”. Китоб ўғириси, миқ этмай ўтирган Илҳом ака шу орада урушга кетади ва ҳар икки оёғининг панжасидан айрилиб қайтади...

Қарғишга қолиш, қарғишга учраш – банданинг ўз ёмон амалларига нисбатан бу дунёда ҳақли жазосини олишидир. Бу тоифа одамга ҳеч ким ҳавас қилмайди ахир! Аксинча, беихтиёр “Астағфируллоҳ!” дейди. Айниқса, маҳалла-кўй ҳақиқа ёки Ватанига хиёнат қилганлар эл-юрт қарғишига учрайди, асло ўнганмайди. Бу тоифа одам элнинг қарғишини олган саналади. “Алҳазар!”

Одатда, тарбияли хонадонларда қарғиш сўзлари ишлатилмайди. Чунки ҳар қандай қарғиш боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Аммо истайсизми-йўқми ўзбек хонадонларида болаларини қарғаётган катталарнинг овози кўп эшитилади, ҳатто бундай нохуш саслар баъзан кўчадан ўтаётган кимсалар қулоғига ҳам чалинади. Гарчанд ота-онанинг “ўлиб, йўқ бўл”, “бало бўл, баттар бўл” тарзидаги қарғишлари моҳиятида ижобат нияти бўлмаса ҳам, чин юракдан чиқмаса ҳам, танбеҳ ва тарбия жараёнида бундан бошқа усуллардан фойдаланган маъқул.

Аслида одамзотнинг дилини пок тутиб, тилига эҳтиёт бўлгани, атроф-гирдидаги одамларга яхшилик тилаб, ҳаётда олқиш олиб яшашлари нақадар файзли, нечоғли гўзал. Аслида ўғрига, золимга, адашганга Яратгандан тавфиқ, инсоф сўралгани яхшидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига мувофиқ амал ҳам шудир.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

Семиришдан қутулиш мумкинми?

Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда келишича, у зот алайҳиссалом: “Мен умматимнинг қиёматга яқин семириб кетишидан қўрқаман”, деганлар. Семириш – бугун пайдо бўлган касаллик эмас. Инсоният минг йиллардан буён бу хасталиқдан азоб чекиб келади. Фарбда бу касаллик ҳақида 1620 йили Томас Веннер хабар берган эса-да, ўрта асрларда доврўқ таратган юнон-рим тиббиёти ҳам Уйғониш давригача бу борада ҳеч қандай ютуқни қўлга кирита олмади.

Аммо худди шу пайтда Шарқда Ислом дини тарқалиши туфайли тиббиёт янги тараққиёт йўлига ўтиб олди. Ана шу таъсир остида улуғ мусулмон табиблардан Муҳаммад ибн Закариё Розий ўзининг “Ал-Хови фит-тибб” (Тиб қомуси) китобида семизлик ҳақида ўша пайтда маълум бўлган барча маълумотларни тақдим этди. У ўзидан олдинги олимлардан Гиппократ, Руфус, Гален, Орибаскус ва бошқаларнинг фикрларини таҳлил қиларкан, семизликни даволашда ўзи уларга ихтилофда бўлган ўринларни ҳам кўрсатишни таъкидлаб ўтди. Масалан, жисмоний фаоллик семизликни камайтиришда ёрдам беради, деб ҳисобларди. Розий эса семизликдан муваффақиятли қутулган мижозлар устида ўзи ўтказган тиббий тажрибаларнинг моҳиятини кўрсатиб берди. Мусулмон табиб семизликка қарши ўзи қўллаган муолажа – ҳабдорилар, парҳез, жисмоний машқлар, уқалаш (массаж), сув билан даволаш (чўмилиш) ва турмуш тарзини ўзгартириш кабилар батафсил баён этиб берди.

Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг “Тиб қонуни” китобининг учинчи бўлимини ортиқча семириб кетиш муаммоларига бағишлаган. Ибн Хубал ал-Бағдодий (1121-1213) ўз асарларида семиришга мойил одамларнинг турли хасталиқларга чалиниши осонлиги ҳақида ёзган. Бу икки табиб семиришдан қутулиш учун оч қоринга турли оғир жисмоний машқлар бажаришни тавсия этган. Ибн Нафис (1207-1288) “Ал-Муъжаз фит-тиб” (Тибнинг қисқа китоби) асарида семиришнинг юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқаришига таъсири ҳақида шундай ёзади: “Семириш – бу инсон танасининг сиқувга олиниши бўлиб, у тана ҳаракатининг эркинлигини чеклаб қўяди ва ҳаётийлигини бузиб, кейинчалик буни бутунлай йўқотиши ҳам мумкин. Ўта семиз одамлар томирларнинг муқаррар равишда ёрилишига дуч келади ва бу нарса туйқус ўлим ёки тана аъзоларига қон қуйилишига олиб бориши мумкин. Чунки мия ёки юракка қон қуйилиши туйқус ўлимга олиб борувчи омиллардир. Семиз кишилар нафас қисиши ва юракнинг тез уриши каби салбий ҳолатларга маҳкумдирлар”.

Бундан ташқари, Ибн Нафис бу касалликнинг алоҳида турини ҳам тавсифлаб ўтади. У бундай беморлар ҳақида: “Уларнинг томирлари ниҳоятда ингичка бўлиб, бундай одамлар узоқ вақт овқатсиз тура олмайди, дори-дармонлар уларнинг аъзоларига жуда секинлик билан таъсир кўрсатади”, деб ёзади.

Islam-Today